

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ  
ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**5A140702 - ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ  
(ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЙИЧА)  
МУТАХАССИСЛИГИ**

**ГИДРОЛОГИК ПРОГНОЗЛАР**

**ФАНИДАН  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчилар: г.ф.д., проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.  
ўқитувчи Раҳмонов К.Р.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. Фан дастури.....	4
2. Ишчи фан дастури.....	12
3. Календар иш режаси.....	15
4. Баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимоти.....	17
5. Таълим технологияси.....	20
6. Маъруза матнлари.....	22
7. Тест топшириқлари.....	47
8. Назорат саволлари.....	54
9. Реферат мавзулари.....	66
10. Курс ишлари мавзулари.....	67
11. Малакавий битирув ишлари мавзулари.....	68
12. Мустақил таълим учун саволлар.....	69
13. Глоссарий.....	71
14. Слайдлар.....	73
Адабиётлар.....	79

## КИРИШ

Маълумки, “Гидрологик прогнозлар” фани 5А140702 - Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) магистратура мутахассислигига ўқитиладиган асосий фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу ўқув услугбий мажмуа мазкур магистратура мутахассислигига “Гидрологик прогнозлар” фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш мақсадида тузилган.

Ўқув услугбий мажмуа қўйидаги таркибий қисмлардан иборат: фан дастури, ишчи фан дастури, календар иш режаси, баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимоти, таълим технологияси, маъруза матнлари, тест топшириклари, назорат саволлари, реферат мавзулари, курс ишлари мавзулари, малакавий битирув ишлари мавзулари, мустақил таълим учун саволлар, глоссарий, слайдлар ва курсни ўрганишда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга қадар, ушбу фан бўйича, “Гидрологик башоратлар. Маърузалар матни” (муаллифлар: Ф.Хикматов, Д.Айтбаев, Тошкент, 2001)ни ҳисобга олмагандан, давлат тили – ўзбек тилида биронта дарслик ёки ўқув кўлланма у ёқда турсин, ҳатто, ўқув-услубий қурсатма ҳам яратилмаган. Бу эса юқорида қайд этилган мутахассисликнинг ўзбек таълим тилида таҳсил олаётган талабаларига катта ноқулайлик келтириб чиқараётган эди. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ушбу мажмуанинг “Маъруза матнлари” қисми имконият даражасида кенгайтирилган ҳолда берилди.

Ушбу ўқув услугбий мажмууда келтирилган маърузаларда ўлкамиз дарёлари ва бошқа сув ҳавзаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, асосий эътибор тоғ дарёлари сув режими элементларини прогнозлаш масалаларига қаратилган. Фанни ўрганиш натижасида бўлажак магистрлар турли сув объектларида кечадиган гидрологик ҳодисаларни прогноз қилишининг табиий қонуниятлар нуқтаи-назаридан асосланган усувларини ишлаб чиқиш ва улардан амалда фойдаланиш кўникмаларини эгаллайдилар деган умиддамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Руйхатга олинди

№\_\_\_\_\_  
201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 201\_\_ йил “\_\_\_”  
даги “\_\_\_”-сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

**ГИДРОЛОГИК ПРОГНОЗЛАР  
фанининг**

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 140000 – Табиий фанлар

Мутахассислик: 5A140702 – Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)

Тошкент - 201\_\_

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

- Хикматов Ф.Х. – “Куруқлик гидрологияси” кафедраси мудири,  
география фанлари доктори, профессор  
Айтбаев Д.П. – “Куруқлик гидрологияси” кафедраси  
доценти, география фанлари номзоди

### **Тақризчилар:**

- Абдуллаев А.Қ. – Ўзгидрометнинг ГМИТИ Агроиклим ресурслари мониторинги ва агроэкология бўлими бошлиғи,  
география фанлари доктори  
Мухтаров Т.М. – ЎзМУ “Умумий физика, физика ўқитиши услубиёти ва атмосфера физикаси” кафедраси профессори,  
география фанлари доктори

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий - услубий кенгашида тавсия қилинган (201\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли баённома).

## Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да юкори малакали магистрлар тайёрлаш механизми аниқ кўрсатилган. Шу жиҳатдан Республикализ халқ хўжалигининг сувдан фойдаланувчи барча соҳаларининг келажакда барқарор ривожланишини таъминлашда 5А140702 – Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) мутахассислиги магистрларининг ўрни алоҳидадир. Мазкур мутахассисликнинг намунавий ўқув режасида “Гидрологик прогнозлар” курси асосий фанлардан бири ҳисобланади, чунки у бўлажак мутахассисларнинг ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот фаолиятида жуда ҳам зарурдир. Зоро, мазкур курс амалий фан бўлиб, у гидрология соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга бевосита тадбиқ этиш билан шуғулланади.

Ушбу дастурда, ўлкамиз дарёлари ва бошқа сув ҳавзаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, асосий эътибор тоғ дарёлари сув режими элементларини прогнозлаш масалаларига қаратилган. Фанни ўрганиш натижасида бўлажак магистрлар турли сув объектларида кечадиган гидрологик ҳодисаларни прогноз қилишнинг табиий қонуниятлар нуқтаи-назаридан асосланган усусларини ишлаб чиқиш ва улардан амалда фойдаланиш кўникумларини эгалладилар.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – бўлажак гидрометеорология магистрларига турли табиий географик шароитларда жойлашган сув объектларида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ҳодисаларни қисқа ва узоқ муддатли прогноз қилиш усусларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда уларни табиий гидрологик қонуниятлар нуқтаи-назаридан асослаш тамоилларини ўргатишдан иборат.

Фанинг вазифаси – магистрантларга гидрологик прогнозларнинг асосий тушунчалари, атамалари ва таърифлари; тоғ дарёлари сув режими элементлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари; гидрологик прогнозлар сифати ва аниқлигини баҳолаш; текислик дарёлари оқими кўрсаткичларини, кўллар ва сув омборлари сув сатхини, сув объектларида музлаш ҳодисаларини прогнозлаш; тоғ дарёлари вегетация даври ҳамда шу даврнинг алоҳида ойлари оқимини прогнозлаш усуслари ҳакида назарий билимлар бериш, уларда ушбу билимлардан амалда фойдалана олиш бўйича малака ва тажриба ҳосил қилишдан иборат.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникумма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Гидрологик прогнозлар” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- гидрологик прогнозларнинг асосий тушунчалари, атамалари ва таърифларини; текислик ва тоғ дарёлари оқими элементларининг шаклланиш қонуниятларини; замонавий гидрологик прогнозлар ва уларнинг аниқлигини баҳолаш усусларини ва умуман гидрологик прогнозларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ***билиши керак;***

- сув объектларида кечадиган гидрологик ҳодиса ва жараёнларнинг микдорий кўрсаткичларини мавжуд услубий кўрсатмалар ва меъёрий хужжатлар асосида ҳисоблаш; гидрологик прогнозларда маҳсус адабиётлар, кўрсатмалар, маълумотномалар, номограммалар ва жадваллардан фойдаланиш; гидрологик прогнозлар усусларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда табиий қонуниятларга таяниш; дарёлар сув сатхини, вегетация даври ва алоҳида ойлар оқимини прогнозлаш усусларини амалда қўллаш ***кўникумларига эга бўлиши керак;***

- дарё оқими ва бошқа гидрологик жараёнлар билан уларнинг шаклланишига таъсири этадиган асосий табиий омиллар орасидаги боғланишларни ўрганиш, уларни статистик баҳолай олиш; тоғ дарёлари оқимини вегетация даври учун прогнозлаш усуслари ва услубларини ишлаб чиқиш; дарёлар ва бошқа сув объектлари сув режими элементларининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини прогнозлаш; гидрологик прогнозлар усуслари ва услубларининг аниқлигини ҳамда сифатини объектив баҳолай олиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги**

“Гидрологик прогнозлар” ўқув фани мутахассислик фанлари блокидаги асосий таянч курслардан бири ҳисобланиб, 1-семестрда ўқитилади ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлика эга. Чунки дастурни амалга ошириш гидрометеорология йўналиши намунавий ўқув режасидан ўрин олган умумкасбий (мутахассисликка кириш, гидрометрия, умумий гидрология ва ҳакозо), ихтисослик (гидрология статистик усувлар, математик моделлаштириш асослари) ҳамда мазкур мутахассислик намунавий ўқув режасидан ўрин олган мутахассислик (куруқлик гидрологияси, назарий ва амалий гидрометрия, гидрологик ҳисоблашлар ва бошқ.) фанларидан етарли билим ва қўнималарга эга бўлишни талаб этади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Бўлажак магистрлар ўзларининг ишлаб чиқариш, илмий ҳамда педагогик фаолиятларида, шу жумладан, сув хўжалигини ташкил этиш, гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида дарёлар, каналлар, кўллар ва сув омборлари, музликлар гидрологик кўрасткичларини прогнозлашга оид ишларни бажаришларида, дарёлар ҳавзаларида кечадиган гидрологик жараёнлар қонуниятларини прогнозлаш мақсадида ўрганишларида, академик лицейлар, маҳсус коллежлар ва олий таълим муассасаларида тегишли фанлардан дарс машғулотларини ўтказишларида “Гидрологик прогнозлар”дан тўплаган билимларига таянадилар. Шу жиҳатдан мазкур ўқув фани юқори малакали гидрометеорология магистрларини тайёрлаш тизимининг ажralmas бўғини ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Магистрларнинг мазкур ўқув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг замонавий усувларидан фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш мухим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда гидрологик прогнозларга оид дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, монографиялар, диссертациялар, тарқатма материаллар, слайдлар, кинофильмлар, кўргазмали қуроллар ва сув ўлчаш асбоблари ҳамда курилмаларидан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва семинар машғулот дарсларида мавзуга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

### **Асосий қисм Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

Гидрологик прогнозлар фани, тадқиқот обьекти ва предмети. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Гидрологик прогнозларнинг бошқа табиий фанлар билан боғлиқлиги. Фаннинг тадқиқот усувлари, ривожланиш тарихи. Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизматининг шаклланиши, ривожланиши ва истиқболи.

### **Гидрологик прогнозлар ва ахборотлар хақида умумий маълумотлар**

Гидрологик прогнозлар ривожланишининг ҳозирги кундаги асосий йўналишлари. Ҳалқ хўжалигига гидрологик прогнозлардан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги. «Гидрологик прогнозлар» тушунчаси, таснифи. Гидрологик прогнозлар хизматини ташкил этиш. Станция ва постлардан иборат ахборот тармоқлари. Гидрологик ахборот турлари. Гидрологик прогнозлар бўйича илмий-амалий материаллар фонди. Гидрологик прогнозларнинг физик-табиий асослари. Прогноз услуби ва усулини ишлаб чиқиш асослари.

### **Гидрологик прогнозлар аниқлигини баҳолаш**

Гидрологик прогнозларни сифат кўрсаткичлари бўйича статистик баҳолаш усувлари. Абсолют ҳатолик, кузатилган гидрологик миқдорларнинг ўртача квадратли четлашиши, йўл

кўйилиши мумкин бўлган хатолик, прогноз қилинган гидрологик миқдорларнинг ўртача квадратли четлашиши. Прогноз усулининг самаралилиги мезони. Текширувдан ўтган гидрологик прогнозлар, уларнинг таъминланиши.

### **Дарёлар сув режими элементларини қисқа муддатли прогноз қилиш**

Қисқа муддатли прогноз ҳақида умумий маълумотлар, уларнинг таснифи ва тавсифи. Сув сатҳи ёки сарфини қисқа муддатли прогноз қилиш усуслари. Тенденция усули, гидрологик ҳодисалар инерцияси, унинг табиий асослари. Мослашган сув сатҳи ёки сарфлари усули, унинг табиий асослари ҳамда қўлланилиш чегараси. Мослашган сув сатҳлари усули билан дарёнинг ирмоқсиз қисми учун сув сатҳини прогноз қилиш. Мослашган сув сатҳларини ҳамда оқиб ўтиш вақтини аниқлаш, боғланиш чизмаларни тузиш усуслари. Мослашган сув сатҳлари усули билан дарёнинг ирмоқли қисми учун сув сатҳини прогнозлаш. Оқиб ўтиш вақтини аниқлаш. Ирмоклар қўйилишини ҳисобга олиш. Боғланиш чизмаларини чизиш усуслари. Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогноз қилиш. Усульнинг физик асослари. Ўзандаги сув заҳираларини аниқлаш усуслари. Ҳажм эгри чизигини чизиш. Ўзандаги сув заҳиралари ҳамда унга қўйиладиган сув миқдорини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш.

### **Ёмғир тошқинларини прогноз қилиш**

Ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган тошқинларни прогноз қилиш усуслари ҳақида умумий маълумотлар. Ёмғир оқимини ҳосил қилувчи асосий омиллар ва уларни ҳисобга олиш имкониятлари ҳақида. Ёмғир оқимини ҳисоблашнинг асосий тамойиллари. Оқиб ўтиш вақти функцияси, уни чизиш усуслари. Тошқин силжишини ҳисоблаш усуслари ва уни амалда қўллаш тартиби. Ўрта Осиё шароитида ёмғир тошқинлари ва уни амалда қўллаш тартиби. Ўрта Осиё шароитида ёмғир тошқинлари ва селларни қисқа муддатли прогноз қилиш.

### **Текислик дарёлари оқими элементларини прогноз қилиш**

Текислик дарёларини узоқ муддатли прогноз қилиш Узоқ муддатли прогнозлар турлари ва вазифалари. Баҳорги тўлинсув даврининг сув баланси тенгламаси. Турли табиий географик шароитларда баҳорги тўлинсувнинг ҳосил бўлишига таъсир этувчи асосий омиллар ва уларни олдиндан айтиш усуслари. Кам сувли даврдаги ойлик оқим миқдорини прогноз қилиш: кузатилган оқим миқдорини, ўзандаги сув заҳираларини, ёғин миқдори, тупроқ намлиги ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш.

### **Тоғ дарёлари оқими элементларини прогноз қилиш**

Тоғ дарёлари оқими ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи омиллар. Баландлик минтақалари бўйича қор қоплами, ёғин миқдори, ҳаво ҳароратининг ўзгариши. Уларнинг тоғ дарёлари оқими ҳосил бўлишига таъсири ҳамда ушбу таъсирини ҳисобга олиш усуслари. Ёғин миқдори ва қор заҳираларини гидрологик прогноз мақсадида аниқлаш. Мавсумий қор чизиги баландилигини тақрибий ҳисоблаш усуслари, сунъий йўлдошлар ахборотларидан фойдаланиш. Тоғ дарёлари ҳавзаларида ҳаво ҳароратини аниқлаш ва ҳисоблаш. Тоғ дарёлари оқимини узоқ муддатли прогноз қилиш. Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини прогноз қилиш. Тоғ дарёларининг вегетация давридаги ўртача ойлик сув сарфларини прогноз қилиш. Тоғ дарёларидан сув омборларига қўшиладиган ойлик ва квартал оқим миқдорларини прогнозлаш.

### **Музлаш ҳодисларини прогноз қилиш**

Сув ҳавзаларининг иссиқлик баланси ва унинг элементлари. Музлашни аниқловчи омиллар, уни олдиндан айтишнинг табиий асослари. Муз парчалари ҳосил бўлиши муддатларини қисқа муддатли прогноз қилиш. Музлаш ҳодисаларини қисқа муддатли прогноз қилиш. Сув ҳавзаларининг муз билан қоплашниш муддатини қисқа муддатли прогноз қилиш.

Муз қалинлигини прогноз қилиш. Дарёнинг муздан халос бўлиш муддатларини қисқа муддатли прогноз қилиш. Музлаш ҳодисаларини узоқ муддатли прогноз қилиш. Музлаш ҳодисаларини узоқ муддатли прогноз қилишнинг асосий тамойиллари ва уни аниқловчи омиллар.

### **Кўллар ва сув омборлари сатҳини прогноз қилиш**

Кўллар ва сув омборларининг сув баланси. Берк кўллар сатҳини прогноз қилиш. Оқар кўллар ва сув омборлари сатҳини прогноз қилиш. Инсон хўжалик фаолияти таъсирида кўллар сатҳининг пасайишини прогноз қилиш. Кўллар ва сув омборларида тўлқин баландлигини прогноз қилиш.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Ҳар бир амалий машғулот, дастлаб ишнинг мақсадини ва мавзуга оид назарий билимларни қисқача ёритишдан бошланади. Сўнг ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун талаб қилинган вазифалар аниқ белгиланиб, ишни бажариш тартиби эса қўйилган вазифалар кетма-кетлигига асосланади. Барча ишлар олинган натижаларнинг таҳлили билан якунланади. Ҳар бир амалий машғулотни бажариш учун берилган маълумотларга таяниб, магистрантларга алоҳида варианtlар таклиф этилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Дарё оқими элементларини гидрологик инерция асосида қисқа муддатли прогноз қилиш:
  - 1.1. Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун оқиб ўтиш вақтини аниқлаш;
  - 1.2. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули ёрдамида қисқа муддатли прогноз қилиш;
  - 1.3. Сув сатҳини гидрологик тенденция (инерция) ёрдамида қисқа муддатли прогноз қилиш;
2. Юза оқимни элементар тошқин усули билан прогноз қилиш;
3. Текислик дарёлари оқимини прогноз қилиш:
  - 3.1. Текислик дарёлари тўлинсув даври оқимини прогноз қилиш;
  - 3.2. Тўлинсув давридаги максимал сув сатҳини прогноз қилиш;
4. Тоғ дарёлари оқимини прогноз қилиш:
  - 4.1. Тоғ дарёлари ҳавзасидаги ихтёрий баландлик учун ҳаво ҳароратини аниқлаш;
  - 4.2. Тоғ дарёлари ҳавзасидаги қор заҳиралари индексини баҳолаш;
5. Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини прогноз қилиш;
6. Тоғ дарёлари ойлик оқими микдорини прогноз қилиш;
7. Сув баланси тенгламаси асосида ўзандаги сув заҳиралари билан сув сарфи орасидаги боғланишни ўрганиш;
8. Ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда дарё оқимини қисқа муддатли прогноз қилиш.

Изоҳ: Фан учун ишчи дастур тузиш жараёнида мазкур мавзу рўйхатидан амалий машғулотлар учун ажратилган соат хажмига мос ҳолда мавзулар танлаб олинади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий қўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда магистрантлар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини мутахассисликнинг амалий масалаларини ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўкув қўлланмалар асосида магистрантлар билимини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан

фойдаланиш, гидрологик прогнозларга оид илмий муаммоларни қўйиш, уларнинг ечимини топиш, мавзулар бўйича қўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишни тайёрлашда “Гидрологик прогнозлар” фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда магистрантларга қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- амалий машғулотларга тайёргарлик;
- дарслик, ўкув қўлланмалар ва илмий манбалар асосида фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фаннинг маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда, фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги гидрологик прогнозлар усуслари ва технологияларини ўрганиш;
- фаннинг магистрантнинг магистрлик диссертация ишини бажариш билан боғлиқ бўлган бўлимларини ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- масофавий (дистанцион) таълимдан ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш ва х.к.

Мустақил иш учун қуидаги мавзуларни чуқур ўрганиш тавсия этилади:

1. Дарё ўзанида ҳаракатланаётган сув оқимининг гидрологик модели;
2. Дарёнинг ирмоқсиз қисмида тошқин кўчишининг модели;
3. Оқим ҳосил бўлишининг генетик ифодалари;
4. Кўллар ва сув омборлари сатҳини прогноз қилиш;
5. Кўллар ва сув омборлардаги тўлқинлар баландлигини прогнозлаш;
6. Ер ости сувлари сатҳи ва ер ости оқимини прогноз қилиш;
7. Музлаш ҳодисаларини прогноз қилиш;
8. Муз қоплами қалинлигини прогноз қилиш;
9. Сув хавзаларининг муздан халос бўлиш муддатини прогнозлаш;
10. Дарёлар сув юзасининг музлаш муддатини прогноз қилиш.

Изоҳ: Фан ишчи дастурини шакллантириш жараёнида мазкур машғулот учун ишчи ўкув режасида кўрсатилган соатлар хажмига мос мавзулар рўйхати шакллантирилади.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий усувлари, янги педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши назарда тутилган. Дастурдаги барча маъруза мавзуларини ўтишда таълимнинг замонавий усувларидан кенг фойдаланиш, ўкув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “Ёлпигич”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер” ҳамда “Муаммоли таълим” технологияси каби усувларини қўллаш ўринлидир. Шунингдек, амалий ва семинар машғулотлари жараёнида гидрологик прогнозларга оид маҳсус адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, услугубий кўрсатмалар, жадваллар, чизмалар, слайдлар, қўргазмали материаллардан фойдаланиш назарда тутилади.

### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўкув қўлланмалар рўйхати**

#### **Асосий дарсликлар ва ўкув қўлланмалар**

1. Аполлов Б.А., Калинин Г.П., Комаров В.Д. Курс гидрологических прогнозов. - Л.: Гидрометеоиздат, 1974.
2. Бефани Н.Ф., Калинин Г.П. Упражнения и методические разработки по гидрологическим прогнозам. – Л.: Гидрометеоиздат, 1987.

3. Георгиевский Ю.М. Краткосрочные гидрологические прогнозы. –Л.: ЛПИ, 1982.
4. Дружинин И.П. Долгосрочный прогноз и информация. – Новосибирск: Наука, 1987.

### **Қўшимча адабиётлар**

5. Кучмент Л.С. Гидрологическое прогнозирование для управления водноресурсными системами. –М.: ВИНТИ, 1981.
6. Мамедов М.А. Расчеты максимальных расходов воды горных рек. – Л.: Гидрометеоиздат, 1989.
7. Методические указания к выполнению практических работ по долгосрочным прогнозам стока горных рек // Составитель: доц. И.К. Лукина. - Ташкент, 1980.
8. Обзор существующих оперативных методов составления гидрологических прогнозов в Центральной Азии. Материалы семинара. –Ташкент: НИГМИ, 2001.
9. Огневский Ю.М. Краткосрочные и долгосрочные прогнозы ледовых явлений на реках, озерах и водохранилищах. - Л.: Гидрометеоиздат, 1986.
10. Попов Е.Г. Гидрологические прогнозы. - Л.: Гидрометеоиздат, 1979.
11. Расулов А.Р., Хикматов Ф.Х. Долгосрочный прогноз стока взвешенных наносов рек Средней Азии за вегетационный период. – В кн.: Эрозионные и русловые процессы. – Луцк, 1991.
12. Расулов А.Р., Хикматов Ф. Исследование условий формирования и разработка методики прогноза месячного стока взвешенных наносов рек Средней Азии. – В кн.: Водные ресурсы, проблема Арала и окружающая Среда. -Ташкент: Университет, 2000.
13. Рождественский А.В. и др. Оценка точности гидрологических расчетов. – Л.: Гидрометеоиздат, 1990.
14. Руководство по гидрологическим прогнозам. – Л.: ГМИЗ, 1989.
15. “Гидрологик прогнозлар” фани бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2011.
16. ЎзМУ ички тармоғи.
17. Гидрология Фанлари Халқаро уюшмаси (International Association of Hydrological Sciences)нинг сайти: <http://www.cig.ensmp.fr/~iahs>.
18. [www.undp.uz](http://www.undp.uz) (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастур Веб-сайти)
19. [www.gwpcacena.org](http://www.gwpcacena.org)
20. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)

«Келишилган»  
 География факультети  
 декани \_\_\_\_\_  
 доц. Маҳамадалиев Р.Й.  
 «29» август 2011 йил

5А140702 - Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)  
 мутахассислиги I курс магистратура талабалари учун  
 «Гидрологик прогнозлар» фанининг

### ИШЧИ ДАСТУРИ

Жами – 88 с.
Маъруза – 36 с.
Амалий машғулот – 44 с.
Рейтинг – 8 с.

### Фанинг назарий машғулотлари (маърузалар)

**1 - маъруза.** “Гидрологик прогнозлар” курсининг мақсади, вазифалари, ривожланиш тарихи, халқ хўжалигидаги аҳамияти - 2 соат.

**2 - маъруза.** Гидрологик прогнозлар ҳақида умумий маълумотлар, асосий атамалар, тушунчалар - 2 соат.

**3 - маъруза.** Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари ва Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизматини ташкил этиш - 2 соат.

**4- маъруза.** Гидрологик прогнозларнинг гидрологик ҳодисаларга боғлиқ ҳолда турлари. Уларга қўйиладиган талаблар - 2 соат.

**5- маъруза.** Гидрологик прогнозлар таснифи, таснифлаш тамойиллари - 2 соат.

**6 - маъруза.** Гидрологик ахборотлар тизими – гидрологик прогнозлар асоси - 2 соат.

**7- маъруза.** Гидрологик прогнозлар аниқлигини статистик баҳолаш - 2 соат.

**8 - маъруза.** Дарё сув режими элементларини инерция (тенденция) асосида қисқа муддатли прогнозлаш - 2 соат.

**9 - маъруза.** Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усули - 2 соат.

**10 - маъруза.** Дарёлар ирмоқли қисми учун сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усули - 2 соат.

**11 – маъруза.** Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаш - 2 соат.

**12 – маъруза.** Ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган тошқинларни прогнозлаш - 2 соат.

**13 – маъруза.** Текислик дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари, уларнинг тўйинишида қор қопламининг аҳамияти - 2 соат.

**14 – маъруза.** Текислик дарёларининг баҳорги оқими миқдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаш - 2 соат.

**15 – маъруза.** Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари ва замонавий усуллари. Тоғ дарёлари ҳавзасидаги қор қоплами заҳираларини аниқлаш усуллари - 2 соат.

**16 – маъруза.** Тоғ дарёси ҳавзасидаги ихтиёрий баландлик учун ҳаво ҳароратини ва мавсумий қор чизиги баландлигини аниқлаш усуллари - 2 соат.

**17 – маъруза.** Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини ва вегетация давридаги ўртacha ойлик сув сарфларини узоқ муддатли прогнозлаш. - 2 соат.

**18 – маъруза.** Сув ҳавзаларида музлаш ҳодисаларини прогнозлаш ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. - 2 соат.

### Амалий машғулотлар

1. Сув сатҳини гидрологик тенденция усули ёрдамида қисқа муддатли прогнозлаш – 4 соат;

2. Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун оқиб ўтиш вақтини аниқлаш – 6 соат;
3. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлаш – 6 соат;
4. Юза оқимини элементар тошқин усули билан прогнозлаш – 6 соат;
5. Текислик дарёлари тўлинсув даври оқимини прогнозлаш – 6 соат;
6. Дарё ҳавзасидаги ихтиёрий баландлик учун ҳаво ҳароратини аниқлаш – 6 соат;
8. Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини прогнозлаш – 4 соат;
8. Тоғ дарёлари ойлик оқими миқдорини прогнозлаш – 6 соат.

### **Амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар ва тавсиялар**

Ҳар бир амалий машғулот, дастлаб ишнинг мақсадини ва мавзуга оид назарий билимларни қисқача ёритишдан бошланади. Сўнг ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун талаб қилинган вазифалар аниқ белгиланиб, ишни бажариш тартиби эса қўйилган вазифалар кетма-кетлигига асосланади. Барча режалаштирилган амалий машғулотлар олинган натижаларнинг таҳлилий баёни билан якунланади.

Ҳар бир амалий машғулотни бажариш учун берилган маълумотлар асосида, талабаларга алоҳида варианtlар таклиф этилади.

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишни тайёрлашда “Гидрологик прогнозлар” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабага қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўкув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фанинг маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда, фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги гидрологик ва метеорологик прогнозлаш қурилмалари, техникалари, аппаратуралари, жараёнлари ва технологияларини ўрганиш;
- фанинг талабанинг ўкув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бўлимларини ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- масофавий (дистанцион) таълимдан ва интернет тармоғидан фойдаланиш ва х.к.

Мустақил иш учун қуидаги мавзуларни чуқур ўрганиш тавсия этилади:

1. Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули ёрдамида қисқа муддатли прогноз қилиш.
2. Дарёлар сув сатҳини гидрологик тенденция (инерция) усулида қисқа муддатли прогнозлаш.
3. Юза оқимни элементар тошқин усули билан прогноз қилиш.
4. Текислик дарёлари тўлинсув даври оқимини ва максимал сув сатҳини прогноз қилиш.
5. Тоғ дарёси ҳавзасидаги қор заҳиралари индексини баҳолаш.
6. Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини прогноз қилиш.
7. Тоғ дарёлари ойлик оқими миқдорини прогноз қилиш.
8. Ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда дарё оқимини қисқа муддатли прогноз қилиш.

#### **Тавсия этиладиган асосий дарсликлар ва ўкув қўлланмалар рўйхати**

##### **Асосий дарсликлар ва ўкув қўлланмалар**

*1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.*

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиши йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Аполлов Б.А., Калинин Г.П., Комаров В.Д. Курс гидрологических прогнозов. - Л.: Гидрометеоиздат, 1974.
4. Бефани Н.Ф. Калинин Г.П. Упражнения и методические разработки по гидрологическим прогнозам. - Л.: Гидрометеоиздат, 1987.
5. Дружинин И.П. Долгосрочный прогноз и информация. – Новосибирск: Наука, 1987.
6. Попов Е.Г. Гидрологические прогнозы. - Л.: Гидрометеоиздат, 1979.
7. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрологик башоратлар. Маъruzalар матни. –Тошкент: Университет, 2000.
8. Ҳикматов Ф.Ҳ., Раҳмонов К.Р. Гидрологик прогнозлар (маъruzalар матни). – Тошкент, 2011.

#### **Қўшимча адабиётлар**

9. Георгиевский Ю.М. Краткосрочные гидрологические прогнозы. –Л.: ЛПИ, 1982.
10. Корень В.И. Математические модели в прогнозах речного стока. –Л.: Гидрометеоиздат, 1991.
11. Лукина Н.К Методические указания к выполнению практических работ по долгосрочным прогнозам стока горных рек. - Ташкент, 1980.
12. Методы расчета и прогноза половодья для каскада водохранилищ и речных систем // А.П.Жидиков, А.Г.Левин, Н.С.Ничаева. –Л.: ГМИЗ, 1977.
13. [www.undp.uz](http://www.undp.uz) (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастур веб-сайти)
14. [www.gwpcacena.org](http://www.gwpcacena.org)
15. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
16. Department of Atmospheric Sciences, University of Washington, 24.Synoptic Meteorology
- 25.[www.atmos.washington.edu/academic/synoptic.html](http://www.atmos.washington.edu/academic/synoptic.html)
17. Online School for Weather [www.srh.noaa.gov/jetstream](http://www.srh.noaa.gov/jetstream)

Тузувчилар:

проф.ҲикматовФ.Ҳ.

ўқит. Раҳманов К.Р.

Ушбу ишчи ўқув дастури Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил “26” авгуустдаги мажлисида мухокама қилиниб, факультет илмий кенгашига тасдиқлашга тавсия этилди (“1”-сонли баённома).

Кафедра мудири:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ

«Тасдиқлайман»  
Декан \_\_\_\_\_  
доц. Махамадалиев Р.Й.  
«29» «август» 2011 й.

## ИШ РЕЖАСИ (Рейтинг картаси)

**Факультет:** География

**Кафедра:** Куруқлик гидрологияси

**Йұналиш:** 5А140702 - Гидрометеорология (фаолият тури бүйича)

**Курс, гурух:** I курс, ўзбек гурухи

**Фан:** Гидрологик прогнозлар

**Үкүв иили:** 2011-2012

**Үқитувчилар:** маъruzachi - проф. Ф.Х.Хикматов,  
амалий машғулотлар - ўқитувчи К.Р.Рахмонов

Маъруза - 36 соат,  
Амалий машғулот - 44 соат,  
Рейтинг - 8 соат,  
Жами - 88 соат.

Вақ-ти (ой)	Ажратилған соат	<b>Машғулот тури</b>	Рейтинг режаси		
			ЖБ	ОБ	ЯБ
		<b>I. Маърузалар</b>			
IX	2	<b>1 - маъруза.</b> “Гидрологик прогнозлар” курсининг мақсади, вазифалари, ривожланиш тарихи, халқ хўжалигидаги аҳамияти.			
IX	2	<b>2 - маъруза.</b> Гидрологик прогнозлар ҳакида умумий маълумотлар, асосий атамалар, тушунчалар.			
IX	2	<b>3 - маъруза.</b> Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари ва Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизматини ташкил этиш.			
IX	2	<b>4 - маъруза.</b> Гидрологик прогнозларнинг гидрологик ҳодисаларга боғлиқ ҳолда турлари. Уларга қўйиладиган талаблар.			
IX	2	<b>5- маъруза.</b> Гидрологик прогнозлар таснифи, таснифлаш тамойиллари.			
X	2	<b>6 - маъруза.</b> Гидрологик ахборотлар тизими – гидрологик прогнозлар асоси.			
X	2	<b>7- маъруза.</b> Гидрологик прогнозлар аниқлигини статистик баҳолаш.			
X	2	<b>8 - маъруза.</b> Дарё сув режими элементларини инерция (тенденция) асосида қисқа муддатли прогнозлаш.			
X	2	<b>9 - маъруза.</b> Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун сув сатхини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатхлари усули.			
XI	2	<b>10 - маъруза.</b> Дарёлар ирмоқли қисми учун сув сатхини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатхлари усули.			
XI	2	<b>11 - маъруза.</b> Дарё оқимини ўзандаги сув захираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаш.			
XI	2	<b>12 - маъруза.</b> Ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган тошқинларни прогнозлаш.		10	
XI	2	<b>13 - маъруза.</b> Текислик дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари, уларнинг тўйинишида қор қопламининг аҳамияти.			
XII	2	<b>14 - маъруза.</b> Текислик дарёларининг баҳорги оқими микдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаш.			
XII	2	<b>15 - маъруза.</b> Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий			

		асослари ва замонавий усуллари. Тоғ дарёлари ҳавзасидаги қорқоплами захираларини аниқлаш усуллари.			
XII	2	<b>16 – маъруза.</b> Тоғ дарёси ҳавзасидаги ихтиёрий баландлик учун ҳаво ҳароратини ва мавсумий қор чизиги баландлигини аниқлаш усуллари.			
XII	2	<b>17 – маъруза.</b> Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини ва вегетация давридаги ўртача ойлик сув сарфларини узоқ муддатли прогнозлаш.			
I	2	<b>18 – маъруза.</b> Сув ҳавзаларида музлаш ҳодисаларини прогнозлаш ва унинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти.		15	30
<b>II. Амалий машғулотлар</b>					
IX	4	Сув сатҳини гидрологик тенденция усули ёрдамида қисқа муддатли прогнозлаш	4		
X	6	Дарёнинг ирмоқсиз қисми учун оқиб ўтиш вақтини аниқлаш	6		
X	6	Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлаш	6		
XI	6	Юза оқимини элементар тошқин усули билан прогнозлаш	6		
XI	6	Текислик дарёлари тўлинсув даври оқимини прогнозлаш	6		
XII	6	Дарё ҳавзасидаги ихтиёрий баландлик учун ҳаво ҳароратини аниқлаш	6		
XII	4	Тоғ дарёлари вегетация даври оқимини прогнозлаш	5		
I	6	Тоғ дарёлари ойлик оқими миқдорини прогнозлаш	6		
			Σ	45	25 30

### АДАБИЁТ

- Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
- Каримов И.А. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
- Аполлов Б.А., Калинин Г.П., Комаров В.Д. Курс гидрологических прогнозов. - Л.: Гидрометеоиздат, 1974.
- Бефани Н.Ф. Калинин Г.П. Упражнения и методические разработки по гидрологическим прогнозам. - Л.: Гидрометеоиздат, 1987.
- Дружинин И.П. Долгосрочный прогноз и информация. – Новосибирск: Наука, 1987.
- Лукина Н.К. Методические указания к выполнению практических работ по долгосрочным прогнозам стока горных рек. –Ташкент, 1980.
- Попов Е.Г. Гидрологические прогнозы. - Л.: Гидрометеоиздат, 1979.
- Хикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрологик башоратлар. Маърузалар матни. –Тошкент: Университет, 2000.
- Хикматов Ф.Ҳ., Рахмонов К.Р. Гидрологик прогнозлар (маърузалар матни). – Тошкент, 2011.

Тузувчилар:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

ўқит. Рахманов К.Р.

Ушбу календарь иш режаси Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил “26” авгуустдаги мажлисида мухокама қилиниб, факультет илмий кенгашига тасдиқлашга тавсия этилди (“1”-сонли баённома).

Кафедра мудири:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ

«Тасдиқлайман»  
 География факультети  
 декани \_\_\_\_\_  
 доц. Маҳамадалиев Р.Й.  
 « 29 » август 2011 йил

География факультети  
 Куруқлик гидрологияси кафедраси

5А140702 - Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) мутахассислиги  
 I курс магистратура билимини «Гидрологик прогнозлар» фанидан  
 рейтинг тизими асосида назорат қилиш ва

**б а ҳ о л а ш м е з о н и**

Максимал балл	100
Оралиқ назорат	25 (ОН)
Жорий назорат	45 (ЖН)
Якуний назорат	30 (ЯН)

Талабалар билимини рейтинг тизими асосида  
назорат қилиш ва баҳолаш  
мезонлари

**Фан:** Гидрологик прогнозлар

**Ўқитувчилар:** проф. Ф.Х.Ҳикматов.

ўқит. К.Р.Рахмонов

**Ўқув йили:** 2011-2012,

**Семестр:** 1

Маъруза – 36 с.,

Амалий машғулот - 44 с.,

Рейтинг – 8 с.

Жами – 88 с.

№	Назорат тури	Мах. балл	Саралаш бали	Ўтказиш вақти
1.	Жорий назорат	10	5,5	Сентябрь, 4-декада
2.	Жорий назорат	12	6,6	Октябрь, 4-декада
3.	Жорий назорат	12	6,6	Ноябрь, 4-декада
4.	Жорий назорат	11	6,1	Декабрь, 4-декада
5.	1 - он	10	5,5	Ноябрь, 1-декада
6.	2- он	15	8,3	Декабрь, 3-декада
7.	Якуний назорат	30	16,5	Январь, 3-декада

**Жорий баҳолаш мезонлари:**

**Амалий машғулотлардан баҳолашда қуийдагилар эътиборга олинади:**

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси (конспект, оғзаки савол-жавоб);
- ишни бажаришдан мақсад ва бажариш тартибини билиши;
- ишни бажариш жараёнида олинган натижалар асосида ҳисоблашларнинг тўғри амалга оширилганлиги;
- олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали чиқарилган хulosаларнинг илмийлиги.

**Оралиқ баҳолаш мезонлари:**

- фаннинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни қўллай билиш кўнилмаларининг шаклланганлик даражаси;
- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг илмий асосланганлиги;
- ўтилган мавзулар бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини намоён зтганлиги;
- тавсия этилган адабиётлардан ташқари, қўшимча манбалардан фойдаланилганлик.

**Якуний баҳолаш мезонлари:**

- фан бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни амалда қўллай билиш кўнилмаларининг шаклланганлиги;
- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг аниқ ва лўнда илмий асосланганлиги;

- ўтилган фан бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини шаклланганлиги;
- тавсия этилган адабиётлар ва қўшимча манбаларни ўзлаштирганлиги.

**Магистрнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуидаги мезонлар асосида баҳоланади:**

а) **86-100** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) **71-85** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) **55-70** балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) қуидаги холларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- жавобларда ҳатоликларга йўл қўйилганлик;
- билмаслик.

Тузувчилар:

проф. Ф.Х.Ҳикматов

ўқит. К.Р.Рахмонов

Баҳолаш мезони Куруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил “26” августдаги мажлисида муҳокама қилиниб, факультет илмий кенгашига тасдиқка тавсия этилган (баённома № 1 ).

Кафедра мудири

проф. Ф.Х.Ҳикматов

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маълумки, таълим технологияси - “техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларнинг ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули” ҳисобланади (ЮНЕСКО).

Тизимли туркум (категория) каби таълим технологияси қўйидагиларни ифодалайди:

- педагогик тизимнинг таркибий қисмларини (компонентларини);
- таълим технологиясининг таркибий қисмларини (элементларини), унинг процессуал қисмини;

- таълим методикасининг кейинги даражасини – мақсадга эришиш учун услубий (методик) тизимни ўқув жараёни қатнашчиларининг харакат изчилигига айлантиради.

Гидрологик прогнозлар фанини самарали ўқитиш мақсадида қўйидаги технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- муаммоли ўқитиш;
- танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- ривожлантирувчи таълим технологиялари;
- ўйинли технологиялар;
- ҳамкорлик технологиялари;
- ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- программалаштирилган ўқитиш технологиясси;
- компьютер- ахборот технологиялари.

Фанни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш самарали натижа беради. Чунки, интерфаол усуллар талабаларда мантиқий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Қўйида курсни ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир технологияларга тавсиф берамиз.

“ТАРМОҚЛАР” методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равиша адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” техникаси – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташкарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

“МУЛОҚОТ” техникаси –аудиториядаги талабалар дикқатини ўзига жалб этиш, дарс жараёгида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“ТАРМОҚЛАР МЕТОДИ” (Кластер) - фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ва аниқ фикрни эркин ва очик равиша кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадваллаштириш ҳамда кенгайтиришга эришиш мумкин.

“БУМЕРАНГ” технологияси - мазкур технология бир машғулот давомида ўкув материалининг чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муомала, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шаклланишга имконият яратади; хотирани чархлайди, дикқатни кучайтиради. Ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради: жамоа билан ишлаш маҳорати; муомалалик; хушфөъллик; қониқувчанлик; ўзгалар фикрига хурмат; фаоллик; раҳбарлик сифатларини шакллантириш; ишга ижодий ёндашиш; ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўзини ҳолис баҳолаш.

“СКАРАБЕЙ” технологияси - “Скарабей” интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талабаларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиасини ҳолис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У айни пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади. Мазкур технологиядан ўкув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

“BEEP” технологияси - мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан мухокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу интерактив технология гидрологик прогнозлар курсида танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

## МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

### *I – маъруза*

**“Гидрологик прогнозлар” курсининг мақсади, вазифалари, ривожланиш тарихи, халқ ҳўжалигидаги аҳамияти**

*Ушбу маърузада “Гидрологик прогнозлар” курсининг мақсади, вазифалари, халқ ҳўжалигидаги аҳамияти фаннинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи қисқача баён этилади. Мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тармоқларини барқарор ривожлантиришида гидрологик прогнозларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.*

**Режас:**

1. Гидрологик прогнозлар фани, тадқиқот обьекти ва предмети;
2. Фаннинг мақсади, вазифалари, бўлинши, бошқа табиий фанлар билан алоқалари;
3. Қисқача ривожланиши тарихи, ривожланиши босқичлари;
4. Фаннинг ҳозирги кундаги асосий йўналишлари;
5. Гидрологик прогнозларнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти.

“Гидрологик прогноз”лардаги “прогноз” атамаси иккита грек сўзлари – “про” ва “гносис”нинг кўшилишидан ҳосил бўлиб, “олдиндан билиш” маъносини англатади.

Гидрологик прогнозлар фани 5440600-Гидрометеорология йўналиши бакалаврлари учун ишлаб чиқариш ва келажакдаги илмий тадқиқот фаолиятида зарур бўлган мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади. Гидрологиянинг амалиётга бевосита тадбики шу фан билан боғлиқдир.

Турли табиий географик шароитларда кечадиган гидрологик ҳодисаларни прогноз қилиш усууларини ишлаб чиқиши ва уларни табиий конуниятлар нуктаи - назаридан асослаш гидрологик прогнозлар фанининг асосий **мақсади ва вазифаси** ҳисобланади. Курсни ўрганиш натижасида талабалар гидрологик прогнозларнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, уларни тайёрлаш ва халқ ҳўжалиги тармоқларига етказиш усуулари, гидрологик прогноз усуулари ва услублари ҳакида тасавурга эга бўлишлари, тоғ дарёлари оқимини прогноз қилишнинг ўзига хос хусусиятларини билишлари ва амалиётда қўллай олишлари лозим.

Гидрологик прогнозларнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари бевосита ҳаёт талаблари билан боғлиқдир. Ер куррасининг қўп жойларида, айникса тоғли худудларда **сув тошқинлари ва селларнинг** тез-тез тақорланиб туриши унга турткি бўлган.

XIX асрнинг 90-йилларида В.Г.Клейбер, Д.Д.Гнусин, А.Н.Квицинский каби тадқиқотчилар дарёлар сув сатхини **қисқа муддатли прогнозлашнинг** дастлабки усууларини ишлаб чиқдилар. Гидрологик прогнозлар XX асрнинг биринчи чорагида алоҳида фан сифатида шакллана бошлади. Ушбу курс бўйича дастлабки маърузалар 1935 йилда проф. Б.А.Аполлов томонидан Москва Гидрометеорология институтида ўқитила бошланди. Кейинги йилларда эса қатор университетларнинг ўкув режаларида шу фанни ўқитиш назарда тутилди. 1945 йилда Б.А.Аполловнинг “Гидрологические прогнозы и информации” ўкув қўлланмаси чоп этилди. Шундан кейинги йилларда гидрологик ҳодисаларни прогнозлаш усуулари ва услублари жадал ривожлана бориб, мазкур курс Гидрометеорология мутахассисларини тайёрловчи олий ўкув юртларида асосий фанлардан бирига айланди.

Кейинчароқ, аникроғи 1960 йилда Б.А.Аполлов, Г.П.Калинин ва В.Д.Комаровлар ҳаммуаллифлигига «Гидрологические прогнозы» дарслиги чоп этилди [4]. Бу дарслик собиқ Иттифоқдаги барча гидрометеорология институтлари ва университетлар талабалари учун мўлжалланган эди. Дарсликда дарёлар **сув сарфи ва сатхининг қисқа ва узок муддатли** прогнозлари, текислик дарёлари учун баҳорги тўлинсув даври оқими прогнозлари, тоғ дарёлари учун баҳорги-ёзги тўлинсув даври оқими прогнозлари, ёмғирлар туфайли вужудга келадиган тошқинлар прогнози, сув ҳавзаларида музлаш ҳодисаларининг прогнозлари тартиб билан баён қилинган. Шу билан бир қаторда дарсликда гидрологик прогнозлар хизматини давлат миқёсида ташкил қилиш тажрибаси ҳам ёритилган эди. Шу туфайли бўлса керак, дарслик тезда инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. Баъзи адабиётларда фаннинг ривожланиши тарихи шартли равишда уч босқичга ажратилади (1-жадвал).

1-жадвал

"Гидрологик прогнозлар" фанининг ривожланиши босқичлари ва  
уларда амалга оширилган ишлар

Ривожланиш босқичлари	Бажарилган ишлар	Хисса қўшган олимлар
I (1919–1935й.)	Илмий мақолалар эълон қилинди, услубий кўрсатмалар тайёрланди	Л.К.Давидов, Э.М.Ольдекоп, Б.А.Аполлов ва бошк.

II (1919–1935й.)	Гидрологик прогнозларда сув мувозанати, изохронлар, корнинг эриш жадаллиги усуулари кўлланилди, амалий аҳамияти янада ортади.	Г.П.Калинин, М.И.Львович, В.Д.Комаров, Г.Р.Брегман, Г.Я.Вангенгейм ва бошк.
III (1945 йилдан ҳозиргача)	Тошқинлар ҳаракати назарияси яратилди, кор қоплами ва унинг эриши, буғланиш, шимилиш жараёнларини ўрганиш бўйича янги натижалар олинди, гидрологик прогнозларнинг математик модели ва дарсликлар яратилди.	Г.П.Калинин, Д.Л.Соколовский, Т.С.Абальян, Е.И.Гирник ва бошк.

Сув омборлари ва гидроэлектр станция (ГЭС)ларнинг курилиши билан гидрологик прогнозларга бўлган эҳтиёж янада ортди. Чунки, ГЭСлар ва сув омборларидан самарали фойдаланишда гидрологик прогнозларнинг аҳамияти бекиёдидir.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач гидрологик прогнозлар хизматига алоҳида эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йилда қабул қилган “Халқ хўжалиги объектлари ва аҳоли яшаш жойларини сел тошқинларидан сақлаш чоралари” ҳақидаги маҳсус қарори бунинг ёрқин мисолидир.

Ҳозирги кунда ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзгидрометга қарашли Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ)нинг «Гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар» бўлими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда яратилган назарий ишланмалар Ўзгидромет таркибидаги Гидрометеорология марказида амалиётга тадбиқ этилади.

#### **Синов саволлари:**

1. "Гидрологик прогнозлар" фанининг вазифалари нималардан иборат?
2. Курсни ўрганиш патижасида талабалар нималарни билишлари лозим?
3. Гидрологик прогнозлар халқ хўжалиги тегисиши тармоқларининг барқарор ривожслининида қандай аҳамият қасб этади?
4. Фанинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ҳақида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистон мисолида гидрологик прогнозларнинг аҳамиятини ёритиб беринг?

#### **2- маъруза.**

#### **Гидрологик прогнозлар ҳақида умумий маълумотлар, асосий атамалар, тушунчалар**

**Маърузанинг мақсади талабаларга гидрологик прогнозларни асослаш ўйларини ўргатиш, уларга гидрологик прогнозлар муддати, гидрологик прогноз усули ва гидрологик прогноз услуги каби тушунчилар ҳақида билим бершидан иборат.**

#### **Реже:**

1. Гидрологик прогнозлар ва уларни асослаш;
2. Гидролотк жараёнларнинг юзага келишида метеорологик омилларнинг таъсири;
3. "Гидрологик прогноз муддати" тушунчаси ҳақида;
4. "Гидрологик прогноз усули" тушунчаси ҳақида;
5. "Гидрологик прогноз услуги" тушунчаси ҳақида.
6. Гидрологик прогнозларни муддатига боғлиқ ҳолда гуруҳлаш;
7. Ўта узоқ муддатли гидрологик прогнозлар ва уларнинг аҳамияти.

Хар қандай гидрологик ҳодисаларни миқдорий баҳолаш ва прогнозлаш билан боғлиқ, бўлган ҳисоблаш усууларини ишлаб чиқиши уларни юзага келтирувчи табиий жараёнлар ва омиллар таъсирини ҳисобга олиш йўли билан асосланади. Шу каби гидрологик прогнозларни асослашда ер сиртидаги сув оқимининг метеорологик омиллар маҳсуси эканлиги, аниқроғи гидрологик жараёнлар метеорологик омиллар таъсири натижасида юзага келиши, ёғин миқдори ва қор эришига қараб ҳавза (дарё)га кўшиладиган сувни миқдорий баҳолаш мумкинлиги эътиборга олинади.

Шу билан бирга дарё ҳавзасида кечадиган ер остига шимилиш ва буғланиш жараёнларини миқдорий баҳолай олиш гидрологик прогнозлар аниқлигини оширади.

Гидрологик прогноз муддати – прогноз берилган кун(вакт)дан гидрологик ҳодиса кузатиладиган кун (вакт)гача бўлган оралиқ. Гидрологик прогноз муддатига боғлиқ ҳолда уч гурухга ажратилади:

- 1) киска муддатли гидрологик прогнозлар (бир кундан икки ҳафтагача);

- 2) узок муддатли гидрологик прогнозлар (ой, квартал, ярим йиллик);
- 3) ўта узок муддатли гидрологик прогнозлар (йил, кўп йил).

Дарёларнинг сув сатҳи ва сув сарфи ўзгаришлари, ГЭСлар ва сув омборларига қуиладиган сув миқдори кўпчилик ҳолларда қисқа муддатли прогноз қилинади. Дарёларнинг ойлик, мавсумий ва вегетация даври оқими миқдорини олдиндан айтиш узок муддатли гидрологик прогнозларга мисол бўлади.

Дарёлар сувидан самарали фойдаланиш, йирик сув иншоотларини лойиҳалаш билан боғлик, бўлган кўпгина амалий масалаларни ҳал этшида дарёлар оқимининг йиллараро даврий (цикли) ўзгариш қонуниятларини билишга эҳтиёж сезилади. Шу қонуниятлар асосида узок муддатли гидрологик прогнозлар ишлаб чикилади.

Гидрологик прогноз усули деганда бирорта гидрологик ҳодисани маълум гидрометеорологик маълумотлар асосида тегишли муддатга прогноз қилиш йўли тушунилади. Гидрологик прогноз усулини ишлаб чиқиш ҳодисанинг назарий ва табиий таҳлилига асосланади. Гидрологик ҳодисаларни прогноз қилишининг бир-бирига боғлик бўлмаган усувлари қанча кўп бўлса, шунча яхши. Масалан, дарёдаги оқим миқдорини ҳавзада тўпланган кор копламига ёки ҳавзага ёқкан ёғин миқдорига боғлик ҳолда прогнозлаш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, текислик ва тог дарёлари оқимини прогноз қилиш усувлари бир-биридан фарқ қиласди.

Гидрологик прогноз усулини аниқ бир давр ёки бошқа турдаги сув ҳавзаси учун қўлласак ҳамда шу сув ҳавзасининг ўзига хос ҳусусиятларини эътиборга олсан, гидрологик прогноз услубини яратган бўламиз.

Биз кейинги маърузаларда ўрганиладиган маърузаларнинг деярли барчасида гидрологик прогнозларни асослаш, гидрологик прогноз муддати, гидрологик прогноз усули ва гидрологик прогноз услуби тушунчаларига дуч келамиз. Шунинг учун уларнинг моҳиятини аниқ билиб олиш кейинги маърузаларни ўрганишга мустаҳкам замин яратади.

### **Синов саволлари:**

1. Гидрологик прогнозлар қандай асосланади?
2. Гидролотк жараёнларнинг юзага келишида метеорологик омиллар қандай аҳамият касб этади?
3. "Гидрологик прогноз муддати" тушунчасини изоҳланг?
4. "Гидрологик прогноз усули" деганда нимани тушунасиз?
5. Гидрологик прогноз услуби қандай яратилади?
6. Муддатига боғлик ҳолда гидрологик прогнозлар қандай ғурӯҳларга ажратилади?
7. Ўта узок муддатли гидрологик прогнозларга мисол келтиринг.

### **3- маъруза.**

#### **Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари ва Ўзбекистонда гидрологик Прогнозлар хизматини ташкил этиш**

*Маърузани ўрганиши жараённида кўзда тутилган асосий мақсад талабаларга гидрологик прогнозларни тайёрлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиши турлари ҳақида маълумот берилади, сўнг Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизматини ташкил этиши масаласига қисқача тўхталиб ўтишидан иборатдир.*

#### **Режас:**

1. Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари;
2. Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари орасидаги фарқлар;
3. Гидрологик прогнозларга эҳтиёж сезадиган ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари;
4. Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизматини ташкил этиши;
5. Гидрологик прогнозлар усувлари ва услубарини ишлаб чиқши ва тақомиллаштиришига масъул бўлган муассасалар;
6. ЎзР ВМ хузуридаги Ўзгидрометнинг фаолияти.

Гидрологик прогнозларни тайёрлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиш турли шаклларда бўлади. Одатда прогноз қилинган қиймат ҳақиқийсидан маълум миқдорга фарқ қиласди. Гидрологик прогнозларни тайёрлашнинг қуидаги турлари мавжуд:

- 1) прогноз қилинаётган ҳодисанинг маълум қиймати;
- 2) ҳодиса кузатилиши мумкин бўлган миқдорлар оралиғи;
- 3) ҳодисанинг кузатилиши эҳтимоли;
- 4) ҳодисанинг тури ва ҳоказо.

Гидрологик прогнозларнинг биринчи тури анча кенг тарқалган. Масалан, сув сатҳлари ёки дарёлардаги сув сарфларининг экстремал (энг катта, энг кичик, ўртacha) қийматлари шу йўсинда прогноз қилинади. Вегетация давридаги ўртacha сув сарфи ёки оқим ҳажмининг эса кузатилиши мумкин бўлган оралиқ (интервал)лари прогноз қилинади. Албатта оралиқнинг ҳам чегараси бўлиши лозим. Айрим корхоналар, ташкилотлар (қишлоқ ва сув ҳўжалиги, гидроэнергетика, сув транспорти)ни ҳодисанинг кузатилиши эҳтимоли қаноатлантиради. Бунда гидрологик каторнинг таъминланиш эгри чизигидан фойдаланилади. Кундалик ҳаётда эса ҳодисанинг тури (кор кўчкилари, сел тошқинлари, музлаш ҳодисалари)ни прогнозлаш етарли бўлади [28].

Мамлакатимизда ва умуман Ўрта Осиёда, айникса унинг тогли худудида дарё тармоқлари зич жойлашган. Бундан ташқари кўплаб кўллар, сув омборлари ҳам мавжуд. Улардан ҳалқ ҳўжалигининг турли тармоқларида турли мақсадлар ва йўналишларда фойдаланилади. Шуни эътиборга оладиган бўлсан, мамлакатимизда гидрологик

прогнозларнинг аҳамияти жуда катта. Улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан қишлоқ ва сув хўжалигида, гидроэнергетикада, сув транспортида, автомобил йўллари тармоқларида, сув таъминотида, мудофаа мақсадларида кенг фойдаланилади. Айниқса сел тошқинларини прогнозлаш халқ хўжалиги тармоқларини кўплаб табиий оғатлардан саклайди.

Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидромет тасарруфидаги Гидрометеорология Маркази томонидан амалга оширилади. Маълумотлар гидрометеорологик станцияларда тўпланади. Уларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш Ўзгидрометнинг маҳсус бўлимларида бажарилади.

Гидродогик прогнозлар усуллари ва услублари Ўзгидромет тасарруфидаги Гидрометеорология илмий тадқикот институти (ГМИТИ)да ишлаб чиқилди ва таомиллаштирилди.

Ўзгидрометнинг ташкил этилиши, унинг мустакил Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигига тутган социал-иктисодий ўрни, вазифалари, фаолияти доираси ЎзР ВМнинг 1992 йил 7 майдаги 225-сонли фармойиши билан тасдикланган. Шу фармойишга асосан Ўзгидромет Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги маъмурий ташкилот хисобланниб, вазирлик ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Реглубликаси 1993 йил 22 январда Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ) аъзолигига қабул килинди. Ўзгидромет бошлиғи Ўзбекистоннинг ЖМТ даги доимий вакили хисобланади. Ўзгидромет АҚШ, Франция, Германия, Туркия, Истроил ва бошқа давлатлар гидрометеорология хизматлари билан доимий алоқада бўлиб, ЖМТ, ЮНЕСКО ва ЮНЕП халқаро ташкилотларининг дастурини тузишда ва бошқа битимларда фаол катнашади.

Ҳозирги кунда Ўзгидромет маълумотларидан вазирликлар, идоралар, корхоналар, концернлар, ширкатлар, фирмаларни қўшиб хисоблаганда 2000 дан ортиқ корхоналар, муассасалар фойдаланадилар.

#### **Синов саволлари:**

1. Гидрологик прогнозларни тайёрлашнинг қандай турларини биласиз?
2. Гидрологик прогнозларни тайёрлаш турлари орасидаги фарқларни айтиб беринг?
3. Гидрологик прогнозларга эҳтиёж сезадиган халқ хўжалиги тармоқларини эсланг?
4. Ўзбекистонда гидрологик прогнозлар хизмати қандай ташкил этилган?
5. Гидрологик прогнозлар усуллари ва услубларини ишлаб чиқиши ва таомиллаштиришига масъул бўлган муассасани айтинг?
6. ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзгидромет Қачон ташкил топган ва унинг вазифалари нималардан иборат?

#### **4- маъруза.**

#### **Гидрологик прогнозлар таснифи, таснифлаш тамойиллари**

Гидрологик прогнозларни маълум белгилари бўйича гуруҳларги ажратиш, яъни таснифлаш мумкин. маърузада гидрологик прогнозларни ҳодисалар турига, гидрологик прогнозлар учун асос бўладиган қонуниятларга, муддатига ва прогноз қилинадиган худуд майдонига ва мақсадига боғлиқ ҳолда таснифлари келтирилади.

#### **Режас:**

1. Гидрологик прогнозларни таснифлаш тамойиллари;
2. Гидрологик прогнозларни ҳодисалар турига боғлиқ ҳолда гуруҳлаш;
3. Гидрологик прогнозлар асосланадиган қонуниятлар;
4. Гидрологик прогнозларни муддатига боғлиқ ҳолда гуруҳлаш;
5. Маҳаллий (локал) ва регионал прогнозлар;
6. Гидрологик прогнозларни белгиланган мақсадига кўра гуруҳлаш;
7. Гидросиноптик прогнозлар ва уларнинг табиий моҳияти;
8. Регинал ва глобал гидрологик прогнозлар;

Маълумки, сув инсон хаёти учун зарур бўлган бебаҳо неъмат. Сувсиз борлиқни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларини барқарор ривожлантириш мақсадида гидрологик прогнозларнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш гидрология фанининг долзарб вазифаларидан бири хисобланади. Гидрологиянинг асосий қисмларидан бири – гидрологик прогнозлар фанининг вазифаси турли табиий географик шароитларда кечадиган гидрологик жараёнларнинг оқибатларини олдиндан баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг табиий гидрологик қонуниятлар нуқтаи назаридан асослашдир.

Ҳозирги кунда амалиётда қўлланилаётган гидрологик прогнозларни қўйидаги ҳолатларни эътиборга олиб, гурухларга ажратиш, яъни таснифлаш мумкин:

- 1) прогноз қилинадиган ҳодисалар турига боғлиқ ҳолда;
- 2) прогноз асосландиган табиий-географик ва гидрометеорологик қонуниятларга боғлиқ ҳолда;
- 3) прогноз муддатига боғлиқ ҳолда;
- 4) прогноз қилинадиган худуд майдонига боғлиқ ҳолда;
- 5) белгиланган мақсадига кўра.

Прогноз қилинадиган ҳодисалар турига боғлиқ ҳолда гидрологик прогнозлар қўйидаги икки кичик гурухга бўлинади:

- а) сув режими элементлари (сув сатхи, сув сарфи, сув харорати ва бошқалар) прогнози;
- б) музлаш ходисалари (бошланиши, тугаши, умумий давом этиши, калинлиги) прогнози.

Прогноз асосланадиган табиий географик ва гидрометеорологик қонуниятларга боғлиқ ҳолда эса қуидаги кичик гурухлар бир-биридан фарқланади:

а) ўзанда кечадиган жараёнлар қонуниятларига асосланадиган гидрологик прогнозлар (мослашган сув сатхлари, ўзандаги сув захиралари), бунда асосан гидрометрик маълумотлардан фойдаланилади;

б) ҳавзада кечадиган гидрометеорологик, ҳодисалар қонуниятларига асосланадиган прогнозлар (атмосфера ёғинлари, кор қоплами қалинлиги ва сувлилиги, тупрок намлиги, ер ости сувлари захираси). Бундай гидрологик прогнозларда гидрологик ва метеорологик маълумотлардан фойдаланилади;

в) атмосфера циркуляцияси қонуниятларига асосланадиган гидрологик прогнозлар. Бунда совуқ ёки иссиқ кунлар бошланишига боғлиқ ҳолда музлаш ёки қор эришининг бошланиши хисобга олинади. Бу прогнозларда кўпроқ метеорологик маълумотлар ва синоптик карталардан фойдаланилади. Шу туфайли, улар баъзан гидросиноптик прогнозлар деб аталади. Таъкидлаш жоизки, гидросиноптик прогнозларни тайёрлашда юкоридаги гурухлардан биргалиқда фойдаланиш ижобий натижажа беради.

Гидрологик прогнозлар муддати дейилганда прогноз берилган кун (вакт)дан гидрологик ҳодиса кузатилган кун (вакт)гача бўлган оралиқ тушунилади. Гидрологик прогнозлар муддатига боғлиқ ҳолда қуидаги уч кичик гурухга ажратилади:

- 1) қиска муддатли гидрологик прогнозлар (бир кундан икки ҳафтагача);
- 2) узок муддатли гидрологик прогнозлар (ой, квартал, вегетация даври, ярим йиллик);
- 3) ўта узок муддатли гидрологик прогнозлар (йил, кўп йил).

Дарёларнинг сув сатхи ва сув сарфи ўзгаришлари, ГЭСлар ва сув омборларига қуиладиган сув микдори кўпчилик ҳолларда қиска муддатли прогноз қилинади. Дарёларнинг ойлик, мавсумий ва вегетация даври оқими элементлари ва микдорини олдиндан айтиш узок муддатли гидрологик прогнозларга мисол бўлади [3].

Дарёлар сувидан самарали фойдаланиш, иирик сув иншоотларини лойихалаш билан боғлиқ, бўлган кўпгина амалий масалаларни ҳал этшида дарёлар оқимининг йиллараро даврий (цикли) ўзгариш қонуниятларини билишга эҳтиёж сезилади. Шу қонуниятлар асосида узок муддатли гидрологик прогнозлар ишлаб чиқилади.

Гидрологик прогнозлар ҳудуд майдонига кўра қуидаги кичик гурухларга бўлинади;

- а) маҳаллий (локал) гидрологик прогнозлар;
- б) нисбатан иирик ҳудудлар учун тайёрланадиган регионал прогнозлар;
- в) глобал гидрологик прогнозлар.

Махаллий (локал) гидрологик прогнозлар аниқ жой ёки дарё ҳавзаси учун берилади. Масалан, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида жорий йилда вегетация даврида дарёларнинг сувлилик даражаси меъёрдан катта бўлади.

Регионал гидрологик прогнозлар эса иирик дарёлар ҳавзалари, иирик маъмурий ҳудуддар ёки регионлар учун ишлаб чиқилади. Масалан, кутилаётган вегетация даврида Ўрта Осиё дарёларида сувнинг кўп ёки кам бўлишини олдиндан айтиш регионал гидрологик прогнозга мисол бўлади.

Глобал гидрологик прогнозларларда эса бутун Ер шарида кечадиган гидрологик жараёнлар назарда тутилади, аникроқ килиб айтганда, бу турдаги прогнозларда Ер шари дарёларида кўп сувли, кам сувли ёки уларнинг меъерда бўлиши ҳакида фикр билдирилади.

Гидрологик прогнозлар мақсадига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

- а) гидроэнергетика мақсадларида бериладиган гидрологик прогнозлар (ГЭС сув оладиган сув омборига қуиладиган оқим микдорини прогнозлаш):
- б) сув транспорти мақсадларида бериладиган гидрологик прогнозлар (бунда асосий эътибор сув транспорти воситаларининг ҳаракатланишини таъминлай оладиган сув сатхи кўрсаткичларига қаратилади);
- в) ирригация мақсадларида бериладиган гидрологик прогнозлар (бу турдаги прогнозларда асосий эътибор дарёларнинг вегетация давридаги ёки вегетация давридаги алоҳида ойлар оқимини прогнозлашга қаратилади).

Юкоридагиларга хулоса килиб таъкидлаш лозимки барча турдаги гидрологик прогнозлар ўзи кўлланиладиган шароитда муҳим аҳамият қасб этади. Бўлажак мутахассис эса уларни ўз ўрнида кўллаш ва, пировард натижада, ижобий натижага эришиш йўлида фаолият кўрсатиши лозим.

#### **Синов саволлари:**

1. Гидрологик прогнозлар қандай белгилари бўйича таснифланади ва бундай таснифлашдан кўзда тутилган мақсад нима?
2. Гидрологик прогнозларни ҳодисалар турига боғлиқ ҳолда қандай гурухларга ажратилади?
3. Гидрологик прогнозлар асосланадиган қандай қонуниятларни биласиз?
4. Гидрологик прогнозлар муддатига боғлиқ ҳолда қандай гурухларга ажратилишишини эсланг?
5. Маҳаллий (локал) ва регионал прогнозларнинг фарқини айтинг?
6. Гидросиноптик прогнозлар қандай қонуниятларга асосланади?
7. Регионал гидрологик прогнозларга мисоллар келтиринг.
8. Гидрологик прогнозлар мақсадига кўра қандай турларга бўлинади?
9. Ўзбекистон шароитида ирригация ва сугорма деҳқончилик мақсадларида бериладиган гидрологик прогнозларнинг аҳамияти қандай?
10. Гидроэнергетика мақсадларида бериладиган гидрологик прогнозлар халқ хўжалигида қандай аҳамиятга эга.

## 5- маъруза.

### Гидрологик ахборотлар тизими – гидрологик прогнозлар асоси

*Маърузанинг мақсади талабаларга гидрологик ахборотлар тизими тушунчасининг моҳиятини очиб берии ҳамда шу тизимга киравчи ахборот тўплаши (кузатиш) тармоқлари, тўпланган маълумотларни қайта ишлаш, экспертизадан ўтказиш, илмий-амалий материаллар фонди (гидрометфонд), халк хўжалиги тармоқларига, аҳолига етказиб беришган прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш ва ҳисобга олиб бориши бўлимларининг вазифаларини кўрсатиб ўтишидан иборатdir.*

*Режса:*

1. Гидрологик ахборотлар тизимининг таркибий қисмлари;
2. Ахборот тўплаши (кузатиш) тармоқларининг вазифалари;
3. Гидрологик маълумотларнинг тўғрилигини текшириши усуллари;
4. Гидрологик ахборотларни истеъмолчиларга етказиб беришида фойдаланиладиган расмий хуяжсатлар;
5. Гидрометфонд ва унга юклатилган вазифалар;
6. Гидрологик прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш ва ҳисобга олиб бориши.

Гидрологик прогнозлар услубларини ва усулларини ишлаб чиқишида, уларни амалиётга тадбиқ этишида, гидрологик прогнозларни тайёрлашда ва истеъмолчиларга етказиб беришида зарур бўладиган барча маълумотлар бавзаси гидрологик ахборотлар тизимини ташкил этади.

Гидрометеорологик маълумотларнинг дастлабки босқичлари тўпланадиган, аникроғи кузатишлар олиб бориладига гидрометрологик станциялар ва постлар ахборот тўплами (кузатиш) тармоқларини ташкил этади.

Ахборот тўплаш (кузатиш) тармоқлари маълумотлари махсус бўлимларга етказиб берилади ва у ерда қайта ишланади, умумлаштирилади. Маълумотларнинг тўғрилигини текшириб ва назорат қилиб бориши бу бўлимнинг асосий вазифасидир. Бунда график, аналогия (ўхшашилик), статистик ва бошқа махсус усуллардан фойдаланилади.

Тегишли ташкилотларга гидрологик прогнозлар билан бир қаторда улар учун зарур бўлган маълум гидрологик маълумотлар ҳам етказиб берилади. Уларни етказиб бериш расмий қабул қилинган ҳужжатлар (гидрологик бюллетенлар, гидрологик баённомалар, гидрологик прогнозлар)да амалга оширилади. Гидрологик ахборотларни истеъмолчиларга етказиб беришида оммавий ахборот воситалари (радио, телеведение, газета, интернет ва уяли алоқа воситалари)дан ҳам кенг фойдаланилади.

Гидрологик ахборотларни тўплашда гидрологик прогнозлар хизмати органларининг илмий-амалий материаллари фонди – гидромет фонд алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асосий вазифаси барча гидрометеорологик маълумотларни тўплаб, тартибга солиб беришдир.

Гидрологик ахборотлар тизимида халқ хўжалигининг турли тармоқларига етказиб бериладиган гидрологик прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш ва ҳисобга олиб бориши жуда муҳимдир. Бу ишнинг яхши йўлга қўйилиши гидрологик прогнозларнинг мавжуд усуллари ва услубларини такомиллаштиришга ёки янги усулларни ишлаб чиқишига замин яратади.

*Синов саволлари:*

1. Гидрологик ахборотлар тизимининг таркибий қисмларини айтиб беринг.
2. Ахборот тўплаши (кузатиш) тармоқларининг вазифалари нималардан иборат?
3. Гидрологик маълумотларнинг тўғрилиги қандай усуллар ёрдамида текширилади ва экспертизадан ўтказилади?
4. Гидрологик ахборотларни истеъмолчиларга етказиб беришида фойдалани-ладиган расмий хуяжсатларни эсланг.
5. Гидрометфонд нима ва унга қандай вазифалар юклатилади?
6. Гидрологик прогнозларнинг тўғрилигини баҳолаш ва ҳисобга олиб боришидан мақсад нима?

## 6 - маъруза

### Гидрологик прогнозларнинг гидрологик ҳодисаларга боғлиқ ҳолда турлари ва уларга қўйиладиган талаблар

*Маърузани ёртишида асосий эътибор гидрологик ҳодисаларга боғлиқ ҳолда гидрологик прогнозлар турларини ўрганишга, уларнинг аҳоли турмуши шароити ва халқ хўжалиги тармоқларини салбий гидрологик ҳодисалардан асрар қолшидаги аҳамиятига ҳамда гидрологик прогнозларга қўйиладиган расмий талаблар каби масалаларга қаратилади.*

*Режса:*

1. Гидрологик прогнозлар натижасида ҳал этиладиган масалалар.
2. Гидрологик прогнозларнинг гидрологик ҳодисаларга боғлиқ ҳолда турлари;
3. Гидрологик прогнозлар турларининг ўзига хос хусусиятлари;
4. Мамлакатимиз шароитида гидрологик прогнозларнинг турлари;
5. Гидрологик прогнозларга қўйиладиган талаблар;

*6. Гидрологик прогнозларга қуйиладиган құшимча талаблар ва уларни расмийлаштириши;*

Гидрологик прогнозлар асосан қуидаги икки масалани ҳал этишга имкон беради:

1. Ҳалқ хұжалигининг сув ва сув ресурсларидан фойдаланадиган барча тармоқлари фаолиятини режалаштириш;

2. Ахоли, ҳалқ хұжалиги тармоқлари, фермер хұжаликлари ва бошқа муассасаларни дарёлар ҳамда турли сув объектлари ҳолатидаги кескин ўзгаришлар, жумладан тошқынлар, музлаш ҳодисалари, кам сувлилик кабилар ҳақида огохлантириш.

Қайд этилған вазифалардан келиб чиққан ҳолда гидрологик прогнозларнинг қуидаги турлари мавжуд:

1) дарё оқимини турли даврлар (декада, ой, мавсум, вегетация даври) учун прогнозлаш;

2) ГЭСлар ва сув омборларига қуйиладиган (декада, ой, мавсум, чорак давомида) сув миқдорини прогнозлаш;

3) баҳорги-әзги түлинсув даври элементлари (энг катта сув сатхи, сув сарфи, оқим ҳажми) ни ва тошқынларни прогнозлаш;

4) кундалик сув сатхи, сув сарфи ва сув омборига қуйиладиган кундалик сув миқдорини прогнозлаш;

5) сув ҳавзаларида музлаш ҳодисалари бошланишини ва муздан ҳалос бўлиш муддатларини прогнозлаш ва ҳоказо.

Юкорида қайд этилған прогноз таҳлиларидан ҳалқ хұжалигига сув захираларидан самарали фойдаланишини режалаштиришда, дарё ва бошқа сув ҳавзаларини ҳолатида бўладиган кескин ўзгариш ҳақида ахоли ва ҳалқ хұжалиги тармоқларини огохлантиришда фойдаланилади.

Мамлакатимиз шароитида дарё оқимини турли даврлар декада, ой, мавсум, вегетация даври учун ҳамда Гидроэлектр станциялар ва сув омборларига қуйиладиган сув миқдорини прогнозлаш турлари жуда муҳим ҳисобланади.

Гидрологик прогнозларга қуидаги талаблар қўйилади:

1) гидрологик прогнозлар ҳалқ хұжалиги тармоқларига зарур бўлган маълумотларни бериши лозим;

2) гидрологик прогнозлар ҳалқ хұжалиги тармоқлари, корхоналар, муассасаларга белгилаган муддатда (келишилган ҳолда ҳар куни, ҳафтада, ойда, кварталда) берилиши лозим;

3) гидрологик прогнозлар муддати ва унинг аниқлиги ҳалқ хұжалиги тармоқларини қаноатлантириши лозим;

4) гидрологик прогнозлар матни аниқ ва тушунарли шаклда тайёрланиши лозим;

5) гидрологик прогнозлар тегишли ҳужжатлар (масъул шахслар имзоси, муҳр) билан тасдиқланиши шарт.

Гидрологик прогнозларга қуйиладиган құшимча талаблар буортмачи билан гидрологик прогнозни етказиб берувчи ташкилот, масалан, Бошгидромет ўргасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома ёки бошқа турдаги расмий ҳужжатда қайд этилади.

**Синов саволлари:**

1. Гидрологик прогнозлар қандай масалаларни ҳал этишга имкон беради?

2. Гидрологик прогнозларнинг гидрологик ҳодисасага боғлиқ ҳолда қандай турларини биласиз?

3. Гидрологик прогнозтар турларининг ҳар бирининг ўзига хос ҳусусиятларини эсланг?

4. Мамлакатимиз шароитида гидрологик прогнозларнинг қийси турлари муҳим ҳисобланади?

5. Гидрологик прогнозларга қўйиладиган талабларни эсланг?

6. Гидрологик прогнозларга қўйиладиган құшимча талаблар қандай расмийлаштирилади?

**7- маъруза.**

**Гидрологик прогнозлар аниқлигини статистик баҳолаш.**

**Дарё оқими элементларини гидрологик инерция (тенденция)  
асосида қисқа муддатли прогнозлаш**

*Маърузанинг мақсади талабаларни гидрологик прогнозлар усууллари ва услублари аниқлигини баҳолашга имкон берадиган гидрологик прогнознинг абсолют ҳатолиги, ҳатоликларнинг ўртacha квадратли фарқи, прогнозлаши усулиниң самаралилiği мезони, унинг сифати кўрсаткичи, прогнозлаши усулиниң таъминланиши каби статистик параметрлар ва уларни ҳисоблаш ифодалари билан таништиришидир.*

**Режса:**

1. Гидрологик прогнозлар усууллари ва услубларини аниқлигини баҳолашда статистик кўрсаткичлардан фойдаланышининг аҳамияти;

2. Прогноз қилинаётган ҳодисанинг кузатилган миқдорларининг ўртacha квадратли фарқи ва уни ҳисоблаши;

3. Гидрологик прогнозларнинг абсолют ҳатолиги;

4. Абсолют ҳатоликнинг ўртacha квадратли фарқи ва уни ҳисоблаши ифодаси;

5. Прогноз усули ёки услубининг самаралилiği мезони;

6. Прогноз усули ёки услубини сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаш;

7. Гидрологик прогнозларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳатолигини ҳисоблаши;

8. Тўғри чиққан гидрологик прогнозлар сонини аниқлаши.

9. Гидрологик прогнознинг таъминланиши ва уни ҳисоблаши;

10. Гидрологик инерция ёки тенденция ҳодисасининг моҳияти;
11. Сув сатҳи ва сув сарфининг дарёларнинг ирмоқли ва ирмоқсиз қисмлари учун ишлаб чиқилган қисқа муддатли прогнозлаши усуллари ва уларнинг фарқи;
12. Сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлаши усулини ишлаб чиқишида бажариладиган ишлар тартиби;
13. Сув сатҳларининг даврий ўзгариши чизмаларини чизиш;
14. Мослашган сув сатҳларини аниқлаши ва уларнинг ўзаро боғланиши графикини чизиш, графикнинг амалий аҳамияти;
15. Сув сатҳининг қийматини ҳамда кузатилиши муддатини прогнозлаши;
16. Сув сатҳи ва сув сарфини қисқа муддатли прогнозлашининг амалий аҳамияти.

Гидрологик прогнозлар усууллари ва услубларини ҳамда уларнинг аниқлигини баҳолашда қуидаги тушунчалардан фойдаланамиз:

- 1) гидрологик прогнознинг абсолют хатолиги ( $\delta$ );
- 2) гидрологик прогнозлар хатолигининг ўртача квадратли фарқи ( $S$ );
- 3) прогноз килинаётган ҳодисанинг кузатилган қийматларининг ўртача квадратли фарқи ( $\sigma$ );
- 4) гидрологик прогноз усули ёки услубининг самаралилиги мезони  $\frac{S}{\sigma}$ ;
- 5) гидрологик прогнознинг йўл қуйилиши мумкин бўлган хатолиги( $\delta_m$ );
- 6) гидрологик прогноз усули ёки услубининг сифати ва унинг кўрсаткичлари;
- 7) гидрологик прогноз усули ёки услубининг таъминланиши.

Гидрологик прогнозлар усууллари ва услубларини ишлаб чиқиши прогноз қилинадиган элемент билан уни юзага келтирувчи омиллар орасидаги боғланишни топишга асосланади. Бунда корреляцион боғланиш ҳисобланиши ёки боғланиш графиги чизилиши мумкин. Прогнозни амалга оширишга имкон берадиган боғланишнинг аниқлик мезони бўлади. Ана шу мезонни белгилашда биринчи навбатда гидрологик прогнознинг абсолют хатолиги ( $\delta$ ) ҳисобланади:

$$\delta = Y - Y'$$

бу ерда  $Y$  – кузатилган қиймат,  $Y'$  – прогноз қилинган қиймат.

Абсолют хатолик аниқлангач, унинг ўртача квадратли фарқи қуидаги ифода билан ҳисобланади:

$$S = \sqrt{\frac{\sum(Y - Y')^2}{n}},$$

бу ерда  $n$  – қатор аъзоларининг сони.

Кейинги боскичда прогноз қилинадиган (кузатилган) миқдорларнинг ўртача квадратли фарқи ҳисобланади:

$$\delta = \sqrt{\frac{\sum(Y - Y')^2}{n}},$$

ифодада  $Y$  – прогноз қилинаёттан миқдорнинг кузатилган қийматлари;  $\bar{Y}$  -шу қаторнинг ўртача арифметик қиймати.

Прогноз усули ёки услубининг самаралилиги  $S/b$  нисбат билан характерланади. Шу нисбатнинг қийматига боғлиқ ҳолда гидрологик прогноз усули ёки услуби қуидаги сифат кўрсаткичлари бўйича баҳоланади:  $(S/\delta) < 0,50$  – яхши,  $(S/\delta) = 0,51 - 0,80$  шартни бажарганда эса қоникарли бўлади.

Гидрологик прогнозлар бўйича кўлланмага асосан гидрологик прогнозларнинг тўғри чиқканлиги хақидаги хулоса прогнознинг абсолют хатолиги ( $\delta$ ) билан йўл қуйилиши мумкин бўлган хатолик ( $\delta_m$ )ни солишириш орқали амалга оширилади. Гидрологик прогнознинг йўл қуйилиши мумкин бўлган хатолиги эса қуидагича аниқланади:

$$\delta = \pm 0.674 * \delta.$$

Гидрологик прогноз усули ёки услубининг таъминланиши қуидаги ифода билан аниқланади:

$$P = (m/n) * 100 \%,$$

бу ерда  $m$  – тўғри чиқкан прогнозлар сони,  $n$  – умумий прогнозлар сони.

Маълумки, гидрологик ҳодисалар ўзини келтириб чиқарган омилларга боғлиқ ҳолда маълум вақт давомида аниқ бир конуниятга бўйсунади. Масалан, тўлинсув даврининг бошланишида сув сарфи ёки сув сатҳи секин аста ортиб борса, унинг тугаш даврида эса, аксинча камая боради. Бундан ташқари дарёнинг юқори оқимида кузатилган тошқинлар ҳам дарё узунлиги ва тезлигига боғлиқ ҳолда маълум вақтдан сўнг унинг қуий қисмига етиб боради. Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг барчасида гидрологик инерция ёки тенденция ҳодисаси кузатилади. Бу эса сув режими элементларини, жумладан сув сатҳи ва сарфини қисқа муддатли прогнозлашга имкон беради.

Дарёларнинг ирмоқли ва ирмоқсиз қисмлари учун ишлаб чиқилган сув сатҳи ёки сув сарфини қисқа муддатли прогнозлаш усууллари бир-биридан фарқ қиласди [16].

Лекин ҳар икки ҳолда ҳам прогноз услубини ишлаб чиқиши қуидаги тартибда бажарилади:

- 1) дарё узунлиги бўйича бир-биридан маълум масофада жойлашган таянч гидрометрик постлари танланади;
- 2) постларда маълум бир характерли йил давомида кузатилган кундалик сув сатҳлари кўчириб олинади;
- 3) шу маълумотлар асосида сув сатҳларининг даврий ўзгариши чизмалари биргалиқда чизилади;
- 4) ҳар икки кузатиш постидаги сув сатҳлари ўзгариши таҳлил қилиниб мослашган сув сатҳлари ва уларнинг кунлари аникланади;
- 5) маҳсус жадвал тузилиб, дарёда сувнинг оқиб ўтиш вақти ҳисобланади;
- 6) юкори ( $H_{io}$ ) ва қуий ( $H_k$ ) постлардаги мослашган сув сатҳларининг боғланиш графиги [ $H_k = f(H_{io})$ ] чизилади;
- 7) дарёда сувнинг оқиб ўтиш вақти ( $t$ ) ва юкори постдаги сув сатҳлар ( $H_{io}$ ) и орасидаги боғланиш чизмаси [ $t = f(H_{io})$ ] чизилади.

Кўйи постдаги сув сатҳини ва унинг кузатилиш муддатини прогнозлаш охирги икки график ёрдамида амалга оширилади, аникроғи уларнинг биринчиси юкори постда кузатилган сув сатҳига боғлиқ ҳолда кўйи постдаги сув сатҳининг қийматини прогноз қилишга имкон берса, иккинчиси эса унинг кузатилиш муддатини олдиндан айтишга имкон беради.

#### **Синов саволлари:**

1. Гидрологик прогнозлар усуллари ва услубарининг аниқлигини баҳолашида қандай статистик кўрсаткичлардан, фойдаланамиз?
- 2 Гидрологик прогнозларнинг абсолют ҳатолиги қандай ҳисобланади?
3. Абсолют ҳатоликнинг ўртacha квадратли фарқи қандай ифода ёрдамиди ҳисобланади?
4. Прогноз қилинадиган ҳодисанинг кузатилган миқдорларнинг ўртacha квадратли фарқи қандай ҳисобланади?
5. Прогнозлаши усули ёки услубининг самаралилиги мезонини эсланг?
6. Прогноз усули ёки услуби сифат кўрсаткичлари бўйича қандай баҳоланади?
7. Гидрологик прогнозларнинг йул кўйилиши мумкин бўлган ҳатолигини ҳисоблаш ифодасини ёдга олинг?
8. Тўғри чиққан гидрологик прогнозлар сони қандай аниқланади?
9. Гидрологик прогнознинг таъминланиши қандай аниқланади?
10. Гидрологик инерция ёки тенденция ҳодисасининг моҳияти нимада?
11. Дарёларнинг ирмоқли ва ирмоқсиз қисмлари учун ишлаб чиқилган прогнозлаши усулларининг фарқи нимада?
12. Сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлаши услубини ишлаб чиқшида бажариладиган ишлар тартибини айтинг;
13. Сув сатҳларининг даврий ўзгариши чизмалари қандай чизилади?
14. Мослашган сув сатҳлари қандай аниқланади?
15. Мослашган сув сатҳларининг ўзаро боғланиши графиги нима мақсадда чизилади?
16. Сув сатҳининг қиймати қандай прогноз қилинади?
17. Сув сатҳининг кузатилиши муддати қандай прогноз қилинади?
18. Сув сатҳи ва сув сарфини қисқа муддатли прогнозлашининг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?

#### **8 - маъруза**

Дарёлар ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлари учун сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усули

*Маърузанинг мақсади талабаларни дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашининг мослашган сув сатҳлари усули, унинг табиий асослари, прогнозлаши усулини ишлаб чиқши босқичлари ҳамда қўлланиши чегаралари билан таништиришидир.*

#### **Режеа:**

1. Дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлаши ва унинг амалий аҳамияти;
2. Дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашининг мослашган сув сатҳлари усули;
3. Мослашган сув сатҳлари усулини табиий асослари;
4. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули ёрдамида қисқа муддатли прогнозлаши усулини ишлаб чиқши босқичлари;
5. Прогнозлаши усулини қўлланиши чегаралари;
6. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлаши ҳақида умумий маълумотлар;
7. Прогнозлаши усулини табиий асослари (дарё участкасида тошқин тўлқинининг схемаси, дарёнинг кўйи створида тошқин даврида сув сатҳининг ўзгариши ва бошқ.);
8. Дарё ўзанида тошқин тўлқинининг ҳаракатланиши назарияси асослари;
9. Тошқинининг ҳаракатланиши тезлиги ва уни дарёда сувнинг ўртacha оқиши тезлиги билан солишиши;
10. Сув сатҳини дарёнинг ирмоқсиз қисми учун прогнозлаши;

- 10.1. Дарённинг юқори ва қўйи гидрологик постларида кузатилган кундалик сув сатҳлари маълумотлари асосида сув сатҳларининг йил давомида ўзгариши графиклари – гидрографларини чизиш;
- 10.2. Гидрографларни таҳлил қилиш ва мослашган сув сатҳларини аниқлаш;
- 10.3. Дарё участкасида, яъни юқори ва қўйи гидрологик постлар орасида сувнинг оқиб ўтиши вақти ( $\tau$ ) ни аниқлаши усуллари (А.В.Оғиевский усули – мослашган сув сатҳлари графиги асосида, энг кичик ҳатолик тамоийли асосида – Г.П.Калини усули);
- 10.4.  $H_{\text{io}} = f(H_k)$  ҳамда  $H_{\text{io}} = f(\tau)$  боғланиши графикларини биргаликда чизиш;
- 10.5. Графиклар асосида қўйи постдаги сув сатҳлари ( $H_k$ )ни ҳамда унинг кузатилиши муддатларини прогнозлаш;
- 10.6. Дарё участкасининг узунлиги ( $L$ )га боғлиқ ҳолда қўйи постдаги сув сатҳлари ( $H_k$ )ни ҳамда уларнинг кузатилиши муддатларини прогнозлашга имкон берадиган номограммани чизиш;
- 10.7. Прогнозлаши усулининг аниқлиги ва уни баҳолаши;
11. Сув сатҳини дарённинг ирмоқли қисми учун қисқа муддатли прогнозлаши;
- 11.1. Дарё ҳавзасида гидрологик постларни оқилона жойлаштириши масалалари;
- 11.2. Дарё ҳавзасида бош дарё ва унинг ирмоқларида сувнинг оқиб ўтиши изохронлари схемаси;
- 11.3. Қўйи гидрологик постдаги сув сатҳи ( $H_k$ )нинг юқори ( $H_{\text{io}}$ ) ҳамда ирмоқдаги сув сатҳи ( $H_u$ ) билан боғлиқлиги графикиги:  $H_k = f(H_{\text{io}}, H_u)$ ;
- 11.4. Қўйи гидрологик постдаги сув сатҳи ( $H_k$ )ни юқорида қайд этилган боғланиши графикиги асосида прогнозлаш;
- 11.5. Прогнозлаши усулининг аниқлиги ва уни баҳолаши;
12. Дарёлар сув сарфини ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлар учун прогнозлаши масалалари.

Сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усули дарёларнинг ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлари учун ишлаб чиқилади. Лекин улар бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ҳар икки ҳолда ҳам прогнозлаш услубини ишлаб чиқиши кўйидаги тартибда бажарилади:

- 1) дарё узунлиги бўйича бир-биридан маълум масофада жойлашган таянч гидрометрик постлар танланади;
- 2) постларда маълум бир характеристири йил давомида кузатилган кундалик сув сатҳлари кўчириб олинади;
- 3) шу маълумотлар асосида сув сатҳларининг даврий ўзгариши чизмалари биргаликда чизилади;
- 4) ҳар икки кузатиш постдаги сув сатҳлари ўзгариши таҳлил қилиниб, мослашган сув сатҳлари, улар кузатилган саналар аниқланади (25-30 ҳолат);
- 5) кўйидаги кўринишдаги маҳсус ҳисоблаш жадвали тузилиб, дарёда сувнинг оқиб ўтиш вақти ҳисобланади:

т/р.	Юқори пост		Қўйи пост		$\tau$ , кун	Сув сатҳининг ўзгариши
	$H_{\text{io}}$ , см	кузатилган сана	$H_k$ , см	кузатилган сана		
1						
2						
...						
30						

- 6) юқори ( $H_{\text{io}}$ ) ва қўйи ( $H_k$ ) постлардаги мослашган сув сатҳларининг боғланиши графикиги [ $H_k = f(H_{\text{io}})$ ] чизилади;

- 7) дарёда сувнинг оқиб ўтиш вақти ( $\tau$ ) ва юқори постдаги сув сатҳлар ( $H_{\text{io}}$ ) и орасидаги боғланиши чизмаси [ $\tau = f(H_{\text{io}})$ ] чизилади.

Кўйи постдаги сув сатҳини ва унинг кузатилиши муддатини прогнозлаш охирги икки график ёрдамида амалга оширилади, аниқроғи уларнинг биринчиси юқори постда кузатилган сув сатҳига боғлиқ ҳолда қўйи постдаги сув сатҳининг қийматини прогнозлашга имкон берса, иккимчиси эса унинг кузатилиши муддатини олдиндан айтишга шароит яратади.

*Маърузанинг мақсади талабаларни дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усули, унинг табиий асослари, прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши босқичлари ҳамда қўлланни чегаралари билан танишиширишdir.*

Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлаш сув хўжалигини бошқаришда, жумладан дарёдан сув олувчи ирригация каналларидан фойдаланишда, сув сатҳини кескин кўтарилиши натижасида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат айниқса текислик дарёларида катта аҳамият касб этади.

Прогнозлаши усулининг табиий асослари ўрганилаётган дарё участкасида тошқин тўлқинининг силжиши, натижада маълум вақт оралиғидан сўнг дарённинг қўйи створида сув сатҳининг кўтарилиши ва бошқа гидрологик жараёнлар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мазкур турдаги прогнозларни ишлаб чиқиш дарё ўзанида тошқин тўлқинининг харакатланиши назарияси асосларига таянади.

Дарё ўзанида тошқин тўлқинининг харакатланиши тезлигини билиш ва уни дарёда сувнинг ўртача оқиши тезлиги билан солишишириш натижасида прогнозлаши муддати ва сув сатҳининг прогноз қилинган қийматига аниқлик киритиш имконияти яратилади.

Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлашни дарённинг ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлари учун бажариш мумкин. Бунда биринчи ҳолат, яъни сув сатҳини дарённинг ирмоқсиз қисми учун

прогнозлаш анча соддароқдир. Шуни ҳисобга олиб, қуйида дастлаб дарёнинг ирмоқсиз, сўнг ирмоқли қисмлари учун прогнозлаш масалаларини кўриб чиқамиз.

**Сув сатҳини дарёнинг ирмоқсиз қисми учун** прогнозлаш қуидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- дарённинг юқори ( $H_{io}$ ) ва қўйи ( $H_k$ ) гидрологик постларида кузатилган кундалик сув сатҳлари маълумотларини тўплаш;
- тўпланган маълумотлар асосида сув сатҳарининг йил давомида ўзгариш графиклари – гидрографларини қўйи ва юқори створлар учун биргалиқда чизиш;
- гидрографларни таҳлил килиш ва мослашган сув сатҳларини аниқлаш;
- дарё участкасида, яъни юқори ва қўйи гидрологик постлар орасида сувнинг оқиб ўтиш вақти ( $\tau$ ) ни аниқлаш (бунда А.В.Огиеvский усули – мослашган сув сатҳлари графиги асосида, энг кичик хатолик тамойили асосида – Г.П.Калинин усули ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин);
- дастлабки натижалар асосида  $H_{io} = f(H_k)$  ҳамда  $H_{io} = f(\tau)$  боғланиш графикларини биргалиқда чизиш;
- ушбу графиклар асосида қўйи постдаги сув сатҳлари ( $H_k$ )ни ҳамда унинг кузатилиш муддатларини прогнозлаш;
- дарё участкасининг узунлиги ( $L$ )га боғлиқ ҳолда қўйи постдаги сув сатҳлари ( $H_k$ )ни ҳамда уларнинг кузатилиш муддатларини прогнозлашга имкон берадиган номограммани чизиш;
- ишлаб чиқилган прогнозлаш усулининг аниқлиги ва уни баҳолаш;

**Сув сатҳини дарёнинг ирмоқли қисми учун** қисқа муддатли прогнозлаш усулини ишлаб чиқиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

- дастлаб дарё ҳавzasидаги гидрологик постларни оқилона танлаш;
- дарё ҳавzasida бош дарё ва унинг ирмоқларида сувнинг оқиб ўтиш изохронлари схемасини чизиш учун гидрологик постлар орасида сувнинг оқиб ўтиш вақти ( $\tau$ )нинг қийматларини аниқлаш;
- қўйи гидрологик постдаги сув сатҳи ( $H_k$ )нинг юқори ( $H_{io}$ ) ҳамда ирмоқдаги сув сатҳи ( $H_u$ ) билан боғлиқлиги графиги [ $H_k=f(H_{io}, H_u)$ ]ни чизиш;
- қўйи гидрологик постдаги сув сатҳи( $H_k$ )ни юкорида қайд этилган боғланиш графикиги асосида прогнозлаш;
- прогнозлаш усулининг аниқлиги ва унинг сифатини баҳолаш;
- ишлаб чиқилган прогнозлаш усулини амалиётда қўллаш учун тавсиялар бериш.

Биз юкорида дарёлар сув сатҳини ирмоқли ва ирмоқсиз қисмлар учун прогнозлаш масалаларини кўриб чиқдик. Дарёлар сув сарфини ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлар учун прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш худди шу тартибда амалга оширилади.

#### **Синов саволлари:**

1. Дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлаш ва унинг амалий аҳамиятини эсланг?
2. Дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли прогнозлашнинг мослашган сув сатҳлари усулининг мөҳиятини тушиштириб беринг?
3. Мослашган сув сатҳлари усулининг табиий асослари қандай гидрологик жараёнлар қонуниятларига таянади?
4. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули ёрдамида қисқа муддатли прогнозлаш усулини ишлаб чиқиши босқичларини айтиб беринг?
5. Прогнозлаш усулининг қўлланиши соҳалари ва чегараларини эсланг?
6. Сув сатҳини мослашган сув сатҳлари усули билан қисқа муддатли прогнозлаш ҳақида нималар биласиз?
7. Прогнозлаш услуги қандай табиий асосларга таянади?
8. Дарё ўзанида тошқин тўлқинининг ҳаракатланиши назарияси асослари ҳақида нималарни биласиз?
9. Дарё ўзанида тошқиннинг ҳаракатланиши тезлиги ва сувнинг ўртacha оқиши тезлиги қандай солиштирилади?
10. Сув сатҳини дарёнинг ирмоқсиз қисми учун прогнозлаш усулини ишлаб чиқиши қандай кетма-кетликда амалга оширилади?
11. Сув сатҳини дарёнинг ирмоқли қисми учун қисқа муддатли прогнозлашида бажариладиган ишлар тартибини эсланг.
12. Сув сарфини дарёнинг ирмоқсиз ва ирмоқли қисмлари учун прогнозлаш усулини ишлаб чиқишида сув сатҳини прогнозлаш усулига таяниши мумкинми?

#### **9 – маъруза.**

#### **Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаш**

Маълумки, йилнинг кам сувли даврларида дарёдаги оқим миқдори кўп жиҳатдан уларга ирмоқлар келтириб қуядиган сув ҳамда бош дарё ўзанидаги оқим ҳажмига боғлиқ бўлади. Шундай ҳолатда гидроэлектр станциялар (ГЭС) ва сув омборларидан самарали фойдаланиш, истеъмолчиларга зарур миқдордаги сувни етказиб берииш учун ўзандаги мавжуд сув заҳираларини аниқлаш ва прогнозлаш мухим аҳамиятга эга. Ушбу маърузанинг мақсади талабаларни дарё ўзанидаги мавжуд сув заҳираларини аниқлаш усуллари ҳамда дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда қисқа муддатли прогнозлаш усули билан таништиришидир.

**Режас:**

1. Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда қисқа муддатли прогнознинг аҳамияти;
2. Прогнозлаши услубининг табиий асослари;
3. Дарё ўзанидаги сув заҳиралари миқдорини аниқлаши усуллари;
4. Ўзандаги сув заҳиралари билан сув сарфи орасидаги боғланишини ўрганиши;
5. Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаши ва унинг аниқлиги.

Гидрологик прогнозларнинг дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда қисқа муддатли прогноз қилиш усули анча кенг тарқалган ва унинг аниқлиги ҳам юқори бўлади. Бу усул кўпроқ сув омборлари, ГЭСларни эксплуатация қилишда кўл келади. Бу турдаги прогноз усули ва услубларини ишлаб чиқиша ҳамда ривожлантиришда Н.М.Бернадский, Г.П.Калинин, В.И.Сапожников каби олимларнинг хиссалари катта.

Прогноз услубининг табиий асослари оқим ҳосил бўлиш жараёнини таҳлил қилишдан иборат. Маълумки, бу жараён куйидаги босқичларда кечади:

- 1) дарё ҳавзаси юзасига ёмғир ёки эриган қор сувларининг тушиши;
- 2) улардан юза оқим ҳосил бўлиши ва унинг дарё (жилга, сой) ўзанига қўшилиши;
- 3) сувнинг ўзанда тўпланиб, ҳаракатга келиши;
- 4) оқим ёки дарё сувининг кузатиш жойидан ўтиши.

Юқоридагилар маълум кетма-кетликда руй беради. Дарё сувининг кузатув жойи (гидроствор)га етиб келишигача бўлган бу кетма-кетлик куйидаги турдаги гидрологик прогнозларни ишлаб чиқиша имкон беради:

а) ёғинлар (ёки қор эриши) ҳақидаги маълумотлар бўйича прогнозлаш (бунда буғланиш, шимилиш ва оқим коэффициенти ҳисобга олинади);

- б) ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаш;

Ҳар икки ҳолда ҳам гидрологик прогнозлар сув мувозанати тенгламасига асосланади. Уларда ер ости сувлари оқимини ҳамда прогноз эълон қилингандан сўнг ёғиши мумкин бўлган ёғинларни ҳисобга олиш прогноз услугиб аниқлигини оширади.

Прогноз услубини ишлаб чиқиша сув мувозанати тенгламасини ҳисобга олиб, ўзандаги сув заҳиралари ( $W_{\text{ӯзан}}$ ) билан сув сарфи ( $Q_{\text{ӯрт}}$ ) орасидаги боғланиш [ $W_{\text{ӯзан}}=f(Q_{\text{ӯрт}})$ ] ни ўрганиш мухимdir.

Ушбу боғланишини ўрганиш дарёнинг ирмоқли ёки ирмоқсиз қисмлари учун амалга оширилиши мумкин. Ўзандаги сув заҳиралари ( $W_{\text{ӯзан}}$ ) билан сув сарфи ( $Q_{\text{ӯрт}}$ ) орасидаги боғланиш [ $W_{\text{ӯзан}}=f(Q_{\text{ӯрт}})$ ] ни ўрганиш натижалари ижобий бўлса, ундан дарёнинг қути оқими учун сув сарфини қисқа муддатли прогнозлашда фойдаланилади.

Боғланишини ўрганиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) танланган кузатиш постлари (юқори, кути, ирмоқлардаги) учун ўртача кундалик сув сарфлари кўчириб олинади;

б) ҳисоб оралиғи танланади (дарёнинг узунлигига боғлиқ ҳолда бир кундан бир неча кунгача бўлиши мумкин);

в) танланган ҳисоб даври оралиғи учун дарё ўзанидаги сув заҳиралари ҳажми ҳисобланади. Бунда гидрометрик, график, сув баланси, ўртача тезлик бўйича ҳисоблаш ва гидроморфометрик усуллардан фойдаланиш мумкин;

г) танланган ҳисоб оралиғидаги сув заҳиралари ҳажмининг унинг секундларда ифодаланган қийматига нисбати ҳисобланади;

д) бу нисбатнинг кетма-кетликдаги йигинди қийматлари аниқланади;

е) йигинди қийматлар билан дарё ўзанидаги барча ҳисоб постларида кузатилган ўртача сув сарфлари орасидаги боғланиш чизмаси чизилади.

Охирги чизма асосида дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда прогнозлаш амалга оширилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу турдаги прогнозлар кўпроқ дарёларда кам сувли даврларда кўлланилади ва ижобий натижка беради.

**Синов саволлари:**

1. Дарё оқимини ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда қисқа муддатли прогноз қилиши қандай мақсадларда амалга оширилади?
2. Прогнозлаши услубининг табиий асосларини эсланг.
3. Ўзандаги сув заҳиралари билан сув сарфи орасидаги боғланиши нима мақсадда ўрганилади?
4. Уибубо боғланишини ўрганиши қандай тартибда амалга оширилади?
5. Дарё ўзанидаги сув заҳиралари миқдорини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
6. Ўзандаги сув заҳираларига боғлиқ ҳолда дарё оқимини прогнозлаши усули сув режимининг қайси даврларида яхши натижса беради?

**10 – маъруза****Ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган тошқинларни прогнозлаш**

Уибубо маърузада ёритилиши назарда тутилган ёмғирлар, айниқса жала ёмғирлар туфайли вужудга келган тошқинларни прогнозлаши усуллари ва услубларини ишлаб чиқиши мухим амалий аҳамиятга эга. Бу турдаги

прогнозлар халқ хўжалиги объектларини, аҳоли пунктларини сел тошқинларидан сақлаб қолишга ёки уларни олдини олиши учун ўз вақтида чора-тадбирлар белгилашга имкон беради.

**Режса:**

1. Ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўладиган тошқинлар – ёмғир тошқинлари, уларнинг шаклланиши механизми ва белгиловчи омиллар;
2. Мамлакатимизнинг тогли ва тоголди худудларида кузатиладиган ёмғир тошқинлари ҳақида;
3. Ёмғир тошқинларини прогнозлаш усули ва уни ишлаб чиқиши тартиби;
4. Дарё ҳавзасида ҳосил бўладиган юза оқимни элементар тошқин усули билан прогнозлаши;
5. Ёмғир тошқинларини прогнозлашининг аниқлиги ва уни баҳолаши.

Ер юзидағи дарёларнинг учдан икки қисмидаги максимал сув сарфлари ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ёмғир тошқинларини прогнозлаш усулларини такомиллаштиришга катта ахамият берилмоқда.

Мамлакатимизда ва умуман Ўрга Осиё тоғли худудида ёмғир тошқинлари тез-тез тақорланиб туради. Улар жуда киска муддат ичидаги рўй бериши билан бошқа табиий оғатлардан ажралиб туради.

Ёмғир тошқинларини прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишида ёмғир сувлари ҳисобига оқим ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш лозим. Бу муаммоларнинг ечими М.А.Великанов, Ф.Бефани, Г. А. Алексеев ва бошқа олимлар тадқиқотларида қисман ёритилган.

Ёмғир тошқинларининг ҳосил бўлиш жараённи тоғли ва текислик худудларида бир-биридан кескин фарқ қиласи. Умуман олганда, уларнинг ҳосил бўлиши куйидаги омиллар билан аниқланади:

- 1) ёмғирнинг ёғиши жадаллиги, давом этиши вакти ва умумий микдори билан;
- 2) дарё ҳавзаси юзасининг рельефи билан;
- 3) дарё ва ҳавзанинг нишаблиги билан;
- 4) дарё ҳавзасида тупрок-грунтларнинг сув шимиш хусусиятлари билан;
- 5) дарё ҳавзасида ер ости сувларининг жойлашиш чукурлиги билан ва ҳоказо.

Ёмғир тошқинларини прогноз қилишда қуйидагиларни билиш зарур:

- а) дарё ҳавзасида оқим ҳосил бўлишининг генетик ифодасини;
- б) оқим ҳосил бўлиш жараёнини математик моделлаштиришни;
- в) ёмғир тошқинларининг чизиқли моделини;
- г) оқимнинг оқиб этиши эгри чизиқларини аниқлаш усулларини (умумий усул, аналитик ифодалар усулни, ягона тошқин усулни, изохронлар усулни);
- д) ёмғир сувининг ҳавзадаги ўсимлик қоплами ва ҳавза юзасини намлашга сарф бўлиш жараёнини;
- е) ёмғир сувининг тупроқка шимилиш жараёнини.

Ёмғир тошқинларини прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишида юкоридаги омилларни ҳисобга олиш прогноз усулининг аниқлигини оширишга имкон беради.

Юкоридагилар билан бир қаторда дарё ҳавзасида ҳосил бўладиган юза оқимни элементар тошқин усулни билан прогнозлашни билиш ушбу йуналишдаги дастлабки кадамлардан ҳисобланади. Юза оқимни прогноз қилиш дарёда кузатилиши мумкин бўлган сув сарфларини микдорий баҳолашда мухимдир. Бу усулни кўллашда тошқинни вужудга келтирган ёмғирнинг кунлик микдорлари ва уларнинг ҳавза бўйича кунлик тақсимланиши ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Юкорида қайд этилганлардан ташқари ҳавзада юза оқимининг оқиб этиши эгри чизиғи ординаталари, ҳавзанинг оқим коэффициенти, дарёда ер ости сувлари ҳисобига ҳосил бўлган сув сарфи, дарёнинг сув йиғиши майдони ҳақида маълумотлар ҳам талаб этилади. Усулни дастлабки ишлаб чиқишида тошқин кунлари дарёда кузатилган сув сарфлари ҳақида маълумотлар ҳам мухимдир.

Прогноз усулини ишлаб чиқиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) ўрганилаётган дарё учун оқиб ўтиш вакти эгри чизиғи графиги чизилади;
- 2) махсус ифода ёрдамида ҳавзада ҳосил бўлиши мумкин бўлган 100 % ли оқим микдори ҳисобланади;
- 3) ҳавзанинг оқим коэффициентини ҳисобга олиб, куйидаги ифода ёрдамида ёмғир ҳисобига ҳосил бўлган сув сарфи ҳисобланади ( $\text{м}^3/\text{сек}$ );

$$Q = \frac{\kappa * \eta * F * Y_{MAX}}{86400},$$

бу ерда  $\kappa$  – ўлчаш бирлиги коэффициенти,  $\eta$  – оқим коэффициенти,  $F$  – ҳавза майдони ( $\text{км}^2$ ),  $Y_{MAX}$  – мумкин бўлган 100% ли максимал оқим қатлами (мм);

- 4) ер ости сувлари сарфини ҳисобга олиб, ҳисоб сув сарфи аниқланади;
- 5) ҳисобланган юза оқим гидрографи чизилади.

Ҳавзада ҳосил бўлиши мумкин бўлган юза оқимни прогнозлашда юкорида, аникроғи охирги босқичда қайд этилган сув сарфи гидрографи асос бўлиб хизмат қиласи.

**Синов саволлари:**

1. Ёмғир тошқинлари қандай пайдо бўлади?

2. Мамлакатимиз тогли ва тоголди ҳудудларида кузатилган ёмғир тошқинлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Ёмғир тошқинларини прогнозлаши сулини ишлаб чиқишида қандай омиллар ҳисобга олинади?
4. Дарё ҳавзасида ҳосил бўладиган юза оқимни элементтар тошқин усули билан прогнозлашида нималар эътиборга олинади?
5. Ёмғир тошқинларини прогнозлаши сулини ишлаб чиқиши тартибини эсланг.

### **11 – маъруза**

#### **Текислик дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари, уларнинг тўйиннишида қор қопламининг аҳамияти**

*Маърузанинг мақсади талабаларни текислик дарёлари, улар оқимини белгиловчи омиллар, баҳорги оқим миқдорини прогнозлашнинг табиий асослари, уларнинг тўйиннишида қор қопламининг аҳамияти каби масалалар билан таништиришидир.*

#### **Режса:**

1. Текислик дарёлари ва уларнинг географик жойлашиши;
2. Текислик дарёларининг баҳорги оқим миқдори;
3. Текислик дарёларида тўлинсув даври, унинг элементлари;
4. Текислик дарёлари оқимини прогнозлашнинг аҳамияти;
5. Текислик дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари;
6. Баҳорги оқимни белгиловчи асосий омиллар;
- 6.1. Қиши давомида дарё ҳавзасида тўпланган қор қоплами заҳиралари;
- 6.2. Тўлинсув давридаги атмосфера ёғинлари миқдори;
- 6.3. Дарё ҳавзасида сувнинг шимилиши, буғланиши ва бошқа кўринишларда сарфланиши;
- 6.4. Баҳорги оқимни белгиловчи асосий омилларни миқдорий баҳолаш масалалари;
7. Текислик дарёларида максимал сув сарфи ( $Q_{\max}$ ) ва максимал сув сатҳлари ( $H_{\max}$ ), уларнинг кузатилиши муддатлари;
8. Қор қоплами, шаклланиши, вақт бўйича турлари ер сиртида тақсимланиши;
9. Қор қопламининг асосий характеристикалари (қалинлиги, структураси, маркиби, зичлиги, сув миқдори, ҳудуд бўйича ўзгариши);
10. Қор қопламининг физик хусусиятлари;
  - 10.1. Иссиқлик сигими;
  - 10.2. Иссиқлик ўтказувчанлиги;
  - 10.3. Радиацион хусусиятлари;
  - 10.4. Яширин эрии иссиқлиги;
  - 10.5. Қор қопламининг сув шимиши қобилияти.

Текислик дарёлари ўз сувини денгиз сатҳига нисбтан 200-500 метр баландликларда жойлашган ҳавзаларда тўплайди. Мисол: МДҲ худудида жойлашган Волга, Днепр, Объ ва Енисей дарёларининг қўйи irmоқлари.

Текислик дарёларида баҳорги оқим миқдори йиллик оқимнинг 80–90 % ини ташкил этади. Шунинг учун ҳам баҳорги оқимнинг шаклланиш механизмини ўрганиш ва прогнозлаш мухимдир.

Тўлинсув даври дарёларда ҳар йили бир хил мавсум (фасл)да тақорланади ва тўйинниш манбаларига боғлиқ ҳолдла 1-2 ойдан 5-6 ойгача давом этади. Унинг асосий гидрологик элементлари қўйидагилардан иборат: а) оқим ҳажми; б) максимал сув сарфи; в) максимал сув сатҳи; г) улар кузатиладиган вақт.

Текислик дарёлари сув сатҳини прогнозлашнинг аҳамияти қўйидагиларда акс этади: сув сатҳи ортганда кўп жойни сув босади. Масалан: Россияда, Бангладеш. Ҳиндистон, Шимоли-Фарбий Европада шундай ҳолатлар тез-тез кузатилади. Шунинг учун ҳам сув сатҳини прогнозлаш мухимдир. Прогноз қанча аниқ бўлса, сув сатҳи ортиши натижасида келиб чикадиган фалокатларнинг олди олинади, халқ-хўжалиги обьектлари, аҳоли турур жойлари саклаб қолинади, иқтисодий зарарни камайтиришда самара беради.

Текислик дарёлари сув сатҳи ва максимал сув сарфини прогнозлашда қўйидагиларга аҳамият бериш лозим:

1. Баҳорги оқимни ҳосил қилувчи омилларни билиш зарур. Уларга қўйидагилар киради: а) бутун қиши давомида дарё ҳавзасида тўпланган қор миқдори; б) тўлинсув даврида ёғадиган ёғин миқдори; в) дарё ҳавзасининг сув ютиш (сарфлаш) қобилияти, жумладан, шимилиш, буғланиш ва бошқа кўринишларда;

2. Юкорида кайд этилган а), б) ва в) омиллар қандай таъсир кўрсатишни билиш лозим. Масалан, бир хил шароитда а) ва б) омиллар миқдори қанча кўп бўлса, тўлинсув давридаги оқим ҳажми ҳам шунча ортади;

3. Қиши давомида дарё ҳавзасида тўпланган қор захиралари, тўлинсув даврида ёғадиган ёғин миқдори ва дарё ҳавзасининг шимилиш, буғланиш ва бошқа кўринишларда сув ютиш (сарфлаш) қобилияти кабиларни миқдорий баҳолаш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Жумладан, а) ва б) омиллар бевосита гидрометеорологик станциялар ва постларда, қор ўлчаш съёмкалари натижасида баҳоланади. Шимилиш, буғланиш ва бошқа кўринишларда сувнинг сарфланиши эса, ўз навбатида, бир

қанча омиллар таъсирида юзага келади. Шунинг учун уларнинг миқдорини қўйидаги фарқ қўринишида аниқлаш мумкин:

$$Y_{\text{сарф.}} = X_{\text{т.с.д.}} + X_{\text{кор}} - Y_{\text{т.с.д.}},$$

бу ерда:  $Y_{\text{сарф.}}$  – тўлинсув даврида ҳавзада ютилган (сарфланган) сув миқдори, мм;  $X_{\text{кор}}$  – қор қопламидаги сув миқдори, мм;  $X_{\text{т.с.д.}}$  – тўлинсув давридаги ёғин миқдори, мм;  $Y_{\text{т.с.д.}}$  – тўлинсув даврида дарёда кузатилган оқим миқдори.

4. Текислик дарёларида баҳорги тўлинсув даврида кузатиладиган максимал сув сарфи ва максимал сув сатхини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар бир хил келиб чиқишили бўлиб, ўзаро қўйидагича боғланган:

$$Q_{\text{мак}} = f(H_{\text{мак}}) = f(W_{\text{т.с.д.}}),$$

бу ерда:  $Q_{\text{мак}}$  – қор қопламининг эриш жадаллiği, бу жараён ҳаво ҳароратига ҳамда тўлинсув давридаги атмосфера ёғинлари ( $X_{\text{т.с.д.}}$ ) турига боғлиқ;  $Q_{\text{мак}}$  – сув сарфининг максимал киймати бўлиб, у кузатиладиган вакт ҳам метеорологик омилларга боғлиқдир. Юқоридаги катталиклар миқдорий жиҳатдан қанча аниқ баҳоланса, прогнозлаш аниқлиги ҳам шунча юқори бўлади. Қор қоплами қорнинг ер сиртида тўпланишидан хосил бўлади. У шамол таъсирида нотекис тақсимланади [41]. Қор қоплами ва унниг характеристикалари қўйидагиларда акс этади: а) қалинлиги; б) структураси; в) зичлиги; г) кор қопламидаги сув миқдори.

Қор қопламининг қалинлиги ва зичлиги бевосита кор ўлчагич – снегомерлар ёрдамида ўлчанади. У маҳсус цилиндр шаклида ишланган, маҳсус ёрдамчи курилмалар билан таъминланган. Юқоридаги икки кўрсаткич ёрдамида қор қопламидаги сув миқдори қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$S = h * d ; \text{мм}.$$

бу ерда:  $h$  – см ёки мм да,  $d$  – зичлик хиссада  $0,02 \div 0,50$ .

Қор қоплами ва унданда сув миқдорининг нотекис тақсимланганлиги вариация коэффициенти ( $C_v$ ) орқали ифодаланади:

$$C_v = \frac{\sigma}{S};$$

бу ерда:  $\sigma$  – сув миқдорининг ўртача квадратли четлашиши,  $S$  – ўртача миқдори.  $C_v$  – қанча катта бўлса, кор қоплами шунча нотекис тақсимланган бўлади. Маълумки, тоф дарёларида бу катталиктар баландлик бўйича ўзгаради.

Қор қопламининг таркиби майдо донадор, йирик (лайлак) кор заррачаларидан иборат бўлиши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда қор қопламининг зичлиги  $0,02 \div 0,50$  оралиқда ўзгаради.

Қор қопламининг физик хусусиятлари қўйидагиларда акс этади: кор қопламининг иссиқлик сифими; кор қопламининг иссиқлик ўтказувчанлиги.

Қор қопламининг иссиқлик сифими деб, 1 кг қор массасини  $1^{\circ}\text{C}$  иситиш учун зарур бўлган каллория хисобидаги иссиқлик миқдорига айтилади. Маълумки,  $15^{\circ}\text{C}$  сув учун 1 кал/г  $0^{\circ}\text{C}$ ,  $0^{\circ}\text{C}$  қор, муз учун эса 0,5 кал/г  $0^{\circ}\text{C}$  иссиқлик сифими хосдир. Демак қор қопламининг иссиқлик сифими ҳароратга боғлиқдир.

Қор қопламининг иссиқлик ўтказувчанлиги шу номдаги коэффициент орқали ва у  $\lambda$  белгиси билан ифодаланади. Бу коэффициент қор қопламининг ғоваклиги, таркиби ва зичлигига боғлиқдир. Уни хисоблаш ифодалари кўп, масалан, 1894 йилда рус олим Абелъс томонидан қўйидаги ифода таклиф этилган:

$$\lambda = 0,0067 * d^2, \frac{\text{кал}}{\text{см}^2 \cdot \text{с}^0 \text{C}},$$

бу ерда:  $d$  – қор қопламининг зичлик,  $\text{г/см}^3$ .

Қорнинг радиацион хусусиятлари қуёш нурини қайтариш қобилияти, яъни альбедоси билан характерланади:

$$\beta = \frac{R_{\text{кайт}}}{R},$$

бу ерда:  $\beta$  – альбедо,  $R_{\text{кайт}}$  – қайтган радиация,  $R$  – суммар радиация. Бу катталиклар пиронометр ёрдамида амалга ошириладиган актинометрик кузатишлар натижасида аниқланади. Альбедо ( $\beta$ ) янги ёқсан қор сиртида энг катта ( $0,85-0,90$ ), эски қор қопламида эса  $0,45-0,50$  бўлади.

Қорнинг яширин эриш иссиқлиги  $0^{\circ}\text{C}$  да муз эриши натижасида 79,7 кал/г иссиқлик ажралиб чиқади. Демак 1 мм эриган сув хосил бўлиши учун 7,97 ёки тахминан, 8 каллория иссиқлик керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда муз эриганда шунча иссиқлик ажралиб чиқади.

Қорнинг сув сифими қобилияти қорнинг намлик сифими билан ифодаланади:

$$\gamma = \frac{W}{X_c},$$

бу ерда:  $W$  – суюқлик қатлами, мм;  $X_c$  – кордаги сув миқдори. Янги ёқсан қорда  $\gamma$  катта, яъни сув сифими ҳам юқори, эски қорда эса, аксинча, кичик бўлади [35].

Хулоса қилиб айтганда, текислик дарёлари оқимини прогнозлаш аниқлигини ошириш учун юқорида қайд этилганлар миқдорий жиҳатдан аниқ баҳоланиши лозим.

### **Синов саволлари:**

1. Текислик дарёларининг баҳорги оқим миқдори қандай омилларга боғлиқ?
2. Текислик дарёларида тўлинсув даври қачон кузатилади?

3. Текислик дарёлари оқимини прогнозлашынг ахамияти нималарда акс этади?
4. Текислик дарёлари оқимини прогнозлаш қандай табиий асосга қурилади?
5. Баҳорги оқимни белгиловчи асосий омилларни айтинг?
6. Қор қопламининг шаклланиши, турлари ва ер сиртида тақсимланиши қандай омилларга боғлиқ?
7. Қор қопламининг асосий ҳарактеристикалари, физик хусусиятларини эслане?

**12 – маъруза**  
**Текислик дарёларининг баҳорги оқими миқдори ва**  
**тўлинсув даври элементларини прогнозлаш**

Уибу мивзуда текислик дарёлари, уларнинг баҳорги оқими миқдори, тўлинсув даври, тўлинсув даври элементлари каби тушунчалари устида тўхталиб, сўнг текислик дарёларининг баҳорги оқими миқдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаши усуллари, уларни ишлаб чиқиши тартиби баён этиласди, ахамияти ёритиласди. Прогнозлаши услубини ишлаб чиқишинг табиий асослари ва унда ҳисобга олинадиган табиий омилларнинг аналитик ифодалари келтириласди.

**Режас:**

1. Текислик дарёларининг баҳорги оқими миқдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаши усулларини яратиш имкониятлари;
2. Текислик дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида қор қопламининг ахамияти;
3. Баҳорги тўлинсув даврида дарё ўзанига қўшиладиган сув миқдори ва уни белгиловчи омиллар;
4. Тўлинсув давридаги максимал сув сарфи ва сув сатҳини узоқ муддатли прогнозлаши амалга ошириш босқичлари;
5. Текислик дарёлари учун ишлаб чиқилган прогнозлаши усулларини Ўрта Осиё дарёларида қўллаш имкониятлари.

Текислик дарёларининг баҳорги оқими миқдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаш усули ва услубларини ишлаб чиқиша қўйидагилар эътиборга олинади:

- 1) баҳорги оқимни белгиловчи омиллар (бутун қиши давомида дарё ҳавзасида тўплланган қор миқдори, тўлинсув даврида ёғадиган ёғин миқдори, дарё ҳавзасининг сув ютиш – сарфлаш қобилияти);
- 2) юкоридаги омилларнинг оқим ҳосил бўлишига қандай таъсир кўрсатиши (бир хил шароитда қор қоплами ва ёғин миқдорининг кўп бўлиши дарёда сувнинг кўпайишига олиб келса, аксинча шимилиш ва буғланишининг кўпайиши дарё оқимини камайтиради);
- 3) дарё оқимини белгиловчи омиллар (ёғин, буғланиш, шимилиш)нинг миқдорий баҳолаш усуллари.

Олдинги маърузада айтиб ўтилганидек, прогнозлаш усулининг натижалари дарё ҳавзасида қиши мавсумида шаклланган қор қоплами ва унинг кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш аниқлигига боғлиқ. Маълумки, қор қоплами қорнинг ер сирти (дарё ҳавзаси)да тўпланишидан ҳосил бўлади. У ҳавзанинг рельефи ва шамол таъсирида майдон бўйича нотекис тақсимланади. Қор қопламининг қалинлиги, структураси, зичлиги, қор қопламидаги сув миқдори унинг асосий кўрсаткичлари хисобланади. Қор қопламининг қалинлиги ва зичлиги бевосита қор ўлчагич – снегомерлар ёрдамида ўлчанади. Шу икки кўрсаткич асосида қор қопламидаги мавжуд сув миқдори қўйидаги ифода билан аниқланади:  $S = h * d$ , бу ерда  $h$  – қор қопламининг қалинлиги,  $d$  -зичлиги (хиссаларда).

Прогнозлаш усулининг табиий асослари қўйидагилардан иборат. Прогнозлаш усули ва услубларини яратишда баҳорги тўлинсув даврида дарё ўзанига келиб қўйиладиган сув миқдори ( $q$ )ни билиш зарур. Бу миқдор қатор омилларга боғлиқ бўлиб, аналитик қўринишда қўйидагича ифодаланади:

$$q = (k * h_i * S_i + X_i * S_i - P_i) + \Delta W_i + [X_i (1 - S_i) - P_{qi}],$$

бу ерда  $h_i$  – қор эриш жадаллиги,  $S_i$  – ҳавзанинг қор билан қопланиш даражаси,  $k$  – эриш жадаллигидан қор қопламининг сув берувчанинг ўтиш коэффициенти,  $X_i$  – ҳисоб оралигига ёқкан ёмғир миқдори (катлами),  $X_i * S_i$  – эриётган қор қоплами устига ёқкан ёмғир,  $P_i$  – эриган қор сувларининг йўқотилган қисми,  $\Delta W_i$  – ҳавза юзасида қор захираларининг ўзгариши,  $[X_i (1 - S_i) - P_{qi}]$  – ҳавзанинг кордан холис бўлган қисмидан ўзанга тушадиган сув,  $P_{qi}$  – ёмғир сувларининг йўқотилган қисми.

Амалда ўзанга қўйиладаган сув миқдори қўйидаги соддалаштирилган ифода билан аниқланади:

$$q = (k * h_i + X_i) * S_i * \eta + \Delta W_i,$$

ифодадаги  $\eta$  – ҳисоб йилининг тўлини сув давридаги оқим коэффициенти.

Ўзанга қўшиладиган сув миқдори ( $q$ ) ва оқиб етиш вақти ( $\tau$ ) ни билган ҳолда оқим гидрографини хисоблаш, яъни прогнозлаш мумкин. Тўлинсув давридаги оқим ҳажмини узоқ муддатли прогнозлаш қўйидаги тенгламага асосланади:

$$Y_\tau + Y_q = X_c + X_1 + X_2 - Z - (P_\tau - P_q) - P_3,$$

ифодада:  $Y_\tau$  – тўлинсув даврида қор эришидан ва қор устига ёқкан ёмғирдан ҳосил бўлган юза оқим;  $Y_q$  – қордан холос бўлган майдонда ҳосил бўлган юза оқим;  $X_c$  – қор эриши бошланишидан олдин ҳавзада тўплланган сув

захирадари;  $X_1$  – қор эриши вақтида қор қоплами устига тушган ёғин;  $X_2$  – қордан халос бўлган майдонга ёқсан ёғин;  $Z$  – бугланиш;  $P_\tau$  – қор қопламига шимилиш;  $P_q$  – тупроққа шимилиш;  $P_s$  – юза оқимнинг ер сиртида тутилиши.

Юқоридаги ифодада  $P_\tau$ ,  $P_q$  ва бошқаларни бевосита ўлчаш ёки аниқлаш анча мураккаб, шунинг учун оқим ва унинг асосий омиллари орасидаги эмпирик боғланишлардан фойдаланилади.

Текислик дарёлари учун тўлинсув давридаги максимал сув сарфи ва сув сатҳини узоқ муддатли прогнозлаш мухимдир.

Текислик дарёларидаги максимал сув сарфи ва максимал сув сатҳини узоқ муддатли прогнозлаш улар билан тўлинсув давридаги оқим ҳажми орасидаги боғланишларни таҳлил қилишга асосланади. Маълум бир дарёдаги кузатиш жойи (гидростроя)га тегишли бўлган турли йиллардаги гидрографлари ўзаро ўхшаш бўлди. Бошқача қилиб айтганда шу кузатиш жойи учун хос(типик) бўлган гидрографни чизиш мумкин.

Иккинчи томондан максимал сув сарфи билан тўлинсув давридаги ўтака сув сарфи орасида ҳам маълум боғланиш бўлади. Уни таҳлил қилиш ҳамда прогноз услубини тайёрлашда шу боғланишни эътиборга олиш аниқликни анча орттиради.

Юқоридаги боғланишларнинг графиклари тўғри чизиқли эгри чизиқли бўлиши мумкин. Уларнинг биринчиси кичик дарёларга хос бўлса, иккинчиси аксарият ҳолларда йирик дарёларга тегишилдири. Боғланиш зичлиги эса йирик дарёларда нисбатан яхши бўлади, чунки уларда оқиб етиш вақти катта бўлади ва натижада азонал(кичик) омиллар таъсири сезилмайди.

Максимал сув сатҳи эса максимал сув сарфига асосланган ҳолда прогноз қилинади. Бунда максимал сув сатҳи билан сув сарфи орасидаги боғланиш ёки оддий сув сарфи эгри чизиги графикдан фойдаланилади.

Максимал сув сарфи ва максимал сув сатҳи кузатиладиган вақтни узоқ муддатли прогнозлаш анча мураккаб. Лекин прогноз услубини ишлаб чиқишида баҳорги қор эришининг бошланиш вақти, ҳаво ҳароратининг баҳорги "0" изотерма дан кўтарилиш вақти каби омилларни ҳисобга олиш аниқликни анча орттиради.

### **Синов саволлари:**

1. Текислик дарёларининг баҳорги оқимни миқдори ва тўлинсув даври элементларини прогнозлаши услубарини яратишда қандай табиий омиллар эътиборга олиниши лозим?
2. Текислик дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида қор қопламишларнинг аҳамиятини эсланг.
3. Баҳорги тўлинсув даврида дарё ўзанига қўшиладиган сув миқдори қандай омилларга бөглиқ?
4. Тўлинсув давридаги максимал сув сарфи ва сув сатҳини узоқ муддатли прогнозлаши қандай амалга оширилади?
5. Текислик дарёлари учун ишлаб чиқилган прогнозлаши услубарини Ўрта Осиё дарёларида қўллаши мумкини?

### **13 – маъруза**

#### **Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг табиий асослари ва замонавий услублари**

Ўзбекистон шароитида тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг амалий аҳамияти бекъёсdir. Мамлакатимиз ва умуман Ўрта Осиё дарёлари мисолида бундай прогнозлашнинг қишилоқ ҳўжалиги ва ҳалқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари учун қай даражада мухимлигига барчамиз гувоҳмиз. маърузада тоғ дарёлари оқимини прогнозлаши услубарининг ўзига хослиги, жумладан ҳаво ҳарорати ва ёгин миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши ҳамда уларни ҳисоблаш услублари маълум кетма-кетликда баён этилади.

### **Режас:**

1. Ўзбекистон шароитида тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг амалий аҳамияти;
2. Тоғ дарёларининг ўзига хос хусисиятлари;
3. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлиши ва унга таъсир этувчи омиллар;
4. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлаши турлари;
5. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашида эътиборга олинадиган омиллар;
6. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашида зарур бўлган маълумотлар;
7. Тоғ дарёси ҳавзасининг исталган баландлиги учун ҳаво ҳароратини аниқлаш.

Маълумки, табиий географик шароит текислик худудларда кенглик бўйича ўзгарса, тоғли худудлар учун вертикал минтақавийлик хосдир. Шунга мос равишда тоғли худудларда метеорологик элементлар ҳам баландлик бўйича ўзгарамади: ҳаво ҳарорати баландлик ортиши билан камая борса, ёғин миқдори қиймати эса кўпчилик ҳолларда дарё ҳавзаси баландлигига мос равишда орта боради.

Тоғли худудлардаги дарёлар нишаблигининг катталиги, уларнинг ҳавзалари баъзан сувни кўп шимадиган юзаларнинг, баъзан эса, аксинча, сув ўтказмайдиган қатламларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда юқоридаги ўзига хос хусисиятларни ҳисобга олиш лозим.

Хозирги кунда тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг қўйидаги турлари мавжуд;

- 1) вегетация даври оқимини прогнозлаш;
- 2) баҳорги-ёзги тўлинсув давридаги алоҳида ойлар оқимини прогнозлаш;

3) максимал сув сарфларини прогноз қилиш.

Юкоридаги ҳолатларнинг барчасида қиши даврида түпланган қор қопламининг эришидан ҳосил бўлган сув, вегетация даври ёки унинг алоҳида ойларида ёқсан ёмғир сувлари иштирок этади. Лекин тогли худуддарда доимий корликлар ва музликлар эгаллаган жойлар ҳам бўлади. Уларнинг эриши эса ҳароратга боғлиқ.

Тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш услубларини ишлаб чиқиша асосий қийинчилик гидрометеорологик кузатиш маълумотларининг етишмаслиги билан боғлиқир. Бу муаммоларга қуйидагиларни хисобга олиш билан барҳам берилади:

а) метеорологик элементларнинг баландлик бўйича ўзгариш конуниятларини;

б) совук даврнинг узок давом этиши ва натижада оқимнинг асосий қисми эришдан ҳосил бўлган сувлардан иборатлиги;

в) кор ва музлик эришининг нисбатан давомийлиги ва бу жараёнда турли баландликдаги майдонларнинг маълум кетма-кетликда иштирок этиши;

г) эриш натижасида ҳосил бўлган оқим коэффициентининг нисбатан барқарорлигини ва хоказо.

Умуман тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш усуслари ва услубини ишлаб чиқиша қуйидаги маълумотларга эга бўлиш лозим:

1) ҳавза майдонининг баландлик бўйича ўзгариш графиги – гипсографик эгри чизикка;

2) баландлик бўйича ёғин микдори ва қор қопламидағи сув захираларининг тақсимланишига;

3) баландлик бўйича ҳаво ҳароратининг ўзгаришига.

Ушбу маълумотларни тўплаш, дастлабки кайта ишлаш ва умумлаштириш усуслари «Умумий гидрология», «Гидрологик ҳисоблашлар» ва бошқа фанларни ўрганиш жараённида кўриб чиқилган.

Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда ҳавзанинг исталган баландлиги учун ҳаво ҳароратини аниқлаш мухимдир.

Тоғ дарёлари ҳавзасида ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича камая бориши турли ҳавзаларда турлича қийматларда кечади. Ҳавзадаги кор қопламининг иссиқлик мувозанати ҳароратнинг баландлик бўйича ўзгариши билан аниқланади [30].

Ҳавзада ҳароратнинг баландлик бўйича ўзгариш конуниятларини ўрганиш учун турли баландликларда жойлашган метеорологик станцияларда кузатилган маълумотлар бўлиши лозим. Улар асосида ҳароратнинг баландлик бўйича ўзгариш графиги чизилади. Маълумотлар етарли бўлмаганда ёки умуман бўлмаганда эса ҳаво ҳароратининг баландлик бўйича ўзгариш градиенти (ҳароратнинг ҳар 100 метрда пасайиш микдори) дан фойдаланилади. Ҳарорат градиентини аниқлаш учун қуйидагилар зарур:

1) бир хил экспозицияда жойлашган ва бир-биридан маълум баландлик(600–1000 метр)га фарқ қиласидиган станциялар танланади;

2) ўртача кунлик, декадалик ёки ойлик ҳароратлар ҳисобланади;

3) ҳар бир хисоб даври учун ҳароратнинг баландлик бўйича ўзгариш графиги чизилади;

4) графикдан фойдаланиб ҳарорат градиенти ( $\gamma$ ) аниқланади:

$$\gamma_t = \frac{t_k - t_{io}}{\Delta H} * 100,$$

ифодада:  $t_k$  – қуи станцияда кузатилган ҳарорат;  $t_{io}$  – юкори станцияда кузатилган ҳарорат;  $\Delta H = H_{io} - H_k$  бўлиб, станциялар баландликлари фарки.

Ҳаво ҳарорати баландлик бўйича пасаяди, шунинг учун ҳарорат градиенти мусбат ишорали бўлади. Айрим холларда ҳарорат инверсия туфайли ортиши мумкин. У ҳолда ҳарорат градиенти ишораси манфий бўлади.

Ҳарорат градиенти фасллар, экспозициялар, турли баландлик зоналари бўйича ўзгариб туради (ўртача ҳар 100 метрда 0,4 – 0,6 оралиқда). Энг катта қиймати ёзда, энг кичиги эса қишида кузатилади.

Ҳарорат градиенти маълум бўлгач, исталган баландликдаги ҳаво ҳарорати қуйидагича аниқланади;

$$t_{H_i} = t_0 \pm \gamma_t \frac{\Delta H}{100},$$

бу ерда  $t_0$  – хисоб станциясида ўлчанган ҳарорат.

Кор эриши жадаллиги ўртача кунлик мусбат ҳароратлар йигиндиси ( $\Sigma t_+$ ) билан аниқланади. Маълум  $H_i$  баландлик учун унинг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\left( \sum t_i \right)_{H_i} = \left( \sum t_i \right)_{H_0} - (\Delta t)_{H_i} * n,$$

ифодада  $\left( \sum t_i \right)_{H_0}$  –  $H_0$  баландликдаги (хисоб станциясидаги) ўртача кунлик ҳароратлар йигиндиси;  $n$  – хисоб кунлари сони;  $(\Delta t)_{H_i}$  –  $H_i$  ва  $H_0$ , баландликлардаги ҳароратлар фарқи бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$(\Delta t)_{H_i} = \gamma_t \frac{H_i - H_0}{100},$$

Ҳарорат градиентининг қийматидан фойдаланиб, “0” изотерма баландлиги ( $H_{t=0}$ ) ни ҳам аниқлаш мумкин:

$$H_{t=0} = \frac{100 \bullet t_H}{\gamma_t} + H_k ,$$

бу ерда: Н –қуи (хисоб) станция баландлиги;  $t_H$  – шу станциядаги ҳаво ҳарорати.

Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда “0” изотерма баландлигини аниқлаш мүхимдир, чунки кузда қорнинг тўпланиш баландлигини, баҳорда эса қорнинг эриш баландлигини аниқлаш шу қийматга боғлик [25].

Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда уларнинг ҳавзаларига ёқкан ёғин миқдори ва қор қопламидаги сув заҳираларини аниқлаш асосий вазифалардан хисобланади. Кейинги маъруза шу масалани ўрганишга бағишланади.

### **Синон саволлари**

1. Ўзбекистон шароитида тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш қандай амалий аҳамиятга эга?
2. Тоғ дарёларининг ўзига хос хусисиятларини эсланг.
3. Тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига қандай омиллар таъсир этади?
4. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашнинг қандай турларини биласиз?
5. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда эътиборга олинадиган омилларни эсланг.
6. Тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш услугини ишлаб чиқишида қандай маълумотлар зарур бўлади?
7. Тоғ дарёси ҳавзасидаги ҳаво ҳарорати қандай баландликлар учун аниқланади?
8. Тоғ дарёси ҳавзасининг исталган баландлиги учун ҳаво ҳароратининг қийматлари қандай аниқланади?

### **14 – маъруза**

#### **Тоғ дарёлари ҳавзасидаги қор қоплами заҳираларини ва мавсумий қор чизиги баландлигини аниқлаш усувлари**

Уибубу маърузада асосий эътибор тоғ дарёлари оқимини прогнозлашда зарур бўлган, ҳавзага ёқкан ёғин миқдори ва қор қопламидаги сув заҳираларини ва мавсумий қор чизиги баландлигини аниқлаш усувлари баён этилади.

#### **Режас:**

1. Тоғ дарёлари ҳавзаларига ёқкан ёғин миқдорини аниқлаш усувлари;
2. “Ёғин индекси” ва “репрезентатив метеорологик станция” тушунчалари;
3. Қор қопламидаги сув заҳираларини аниқлаш усувлари;
4. Мавсумий қор чизиги баландлиги (МҚЧБ) ва уни аниқлаш усувлари;
5. МҚЧБ ни ҳавзадаги қор заҳиралари ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисоблаш йўли билан аниқлаш;
6. МҚЧБ ни сезиларли қор эришига мос келадиган ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда аниқлаш ифодаси ва уни кўйлаш имкониятлари;
7. МҚЧБ ни дарё оқими ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида аниқлаш.

Ҳозирги кунда тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш усулининг аниқлигини оширишда уларнинг ҳавзаларига ёқкан ёғин миқдори ва қор қопламидаги сув заҳираларини аниқлаш усувларини такомиллаштириш асосий вазифалардан хисобланади.

Тоғ дарёлари ҳавзаларида қиши давомида ёқкан ёғин миқдори ва қор қопламидаги сув заҳиралари дарё ҳавзасининг умумий намлик заҳираларини ташкил этади. Уларни қўйидаги усувлар билан аниқлаш мумкин:

- 1) бевосита ўлчаш усувлари (метеорологик станцияларда амалга ошириладиган кузатишлар, қор ўлчаш съёмкалари, йиғиндиши ёғин ўлчагичлар);
- 2) ҳисоблаш усувлари (ҳарорат ўзгаришига боғлиқ ҳолда, эриш коэффициентига боғлиқ ҳолда).

Юкорида келтирилган қайси усусли танлаш мавжуд гидрометеорологик маълумотларнинг сифатига ва кузатиш қаторларининг давомийлигига боғлиқ.

Тоғ дарёлари ҳавзаларида рельеф шароити мураккаб бўлгани учун ёғин миқдорининг ҳақиқий қийматини аниқлаш асосий муаммолардан хисобланади. Шунинг учун ёғин индекси тушунчаси киритилади. Ёғин индекси ҳавзага ёғадиган ёғин миқдорининг ҳақиқий қийматига тенг бўлмайди, лекин унинг ўзгаришига мос равишда ўзгаради. Ёғин индексини аниқлаш учун репрезентатив метеорологик станциялар маълумотларидан фойдаланилади. Бундай станцияларни аниқлаш учун турли усувлардан, жумладан статистик тахлил усулидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ҳар бир дарёning ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳам эътиборга олинади [37].

Тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш усулини ишлаб чиқишида мавсумий қор чизиги баландлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Мавсумий қор чизиги баландлиги (МҚЧБ)ни аниқлаш ҳавзада қор қоплами эгаллаган майдонларни ва натижада дарё оқимининг қор сувлари хисобига ҳосил бўладиган қисмини аниқлашга имкон беради. Мавсумий қор чизиги баландлиги бевосита кузатишлар билан ёки ҳисоблаш усули билан аниқлаш мумкин. Кузатишлар метеорологик станцияларда ёки аэрокосмик усувлар билан амалга оширилиши мумкин. Бевосита кузатиш маълумотлари бўлмаганда эса қор чизиги баландлиги билан унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланиш графикларидан фойдаланилади. Тўпланган маълумотларга боғлиқ ҳолда МҚЧБни аниқлашда қуйидаги усувлардан фойдаланиш мумкин:

- 1) қор захиралари ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида;
- 2) сезиларли қор эришига мос келадиган ҳаво ҳароратига боғлик ҳолда;
- 3) дарё оқими ва ҳаво ҳарорати маълумотлари асосида.

Дарё ҳавзасида (күйи қисмида) метеорологик, станция бўлганда МҚЧБ ни қуидаги ифода билан аниқлаш мумкин:

$$H = H_0 + \frac{a \bullet (\sum_0^n t_+ - \sum_{H_0} t_{+H_0}) - X_0}{a \bullet (n - n_H) \bullet \gamma_t + \gamma_x},$$

бу ерда  $H$  – аниқланиши зарур бўлган МҚЧБ (метрда),  $H_0$  – метеостанция баландлиги (метрда),  $\sum_0^n t_+$  – метеостанцияда кузатилган мусбат ҳароратлар йигиндиши,  $X_0$  – метеостанциядаги қор қопламида мавжуд бўлган сув захиралари (миллиметрда),  $\sum_{H_0} t_{+H_0}$  – МҚЧБ да ҳарорат  $0^\circ$  С дан кам бўлганда метеостанцияда кузатилган мусбат ҳароратлар йигиндиши,  $\gamma_t$  – ҳарорат градиенти,  $\gamma_x$  – ёғин градиенти,  $a$  – эриш коэффициенти (мм/град.),  $n$  – метеостанцияда мусбат ҳароратлар кузатилган кунлар,  $n_H$  – МҚЧБ да мусбат ҳароратлар кузатилган кунлар. Амалиётда биринчи ифода асосида номограмма тузилади ва хисоблашлар номограмма бўйича бажарилади. Бу номограмма А.Н.Важнов томонидан таклиф этилган.

Сезиларли қор эриши кузатиладиган ҳарорат энг кичик ўртача кунлик ҳарорат бўлиб, унда қор захираси кескин камая боради, оқим хосил бўлиши эса жадаллашади. Бу ҳарорат ўртача  $+4^\circ$  С деб қабул қилинган. Сезиларли қор эриши кузатиладиган ҳароратга боғлик ҳолда МҚЧБни қуидаги ифода ёрдамида аниқлаймиз:

$$H = H_0 + \frac{t_0 - t_{ck}}{\gamma_t} \bullet 100,$$

бу ерда  $H$  – МҚЧБ баландлиги,  $H_0$  – метеостанция баландлиги,  $t_0$  – ўртача кунлик ҳарорат,  $t_{ck}$  – сезиларли қор эриши кузатиладиган ҳарорат.

МҚЧБни дарё оқими ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида аниқлаш учун  $Q = f(H, t)$  боғланиш графигидан фойдаланилади. Бу график куийдаги ифода асосида чизилади:

$$Q = k \bullet F \bullet \eta \bullet a \sum_{H_1}^{H_2} f_i \bullet \left[ t_0 - \gamma_t \frac{(\bar{H}_i - H_0)}{100} \right],$$

ифодада  $k$  – ўлчам бирлиги коэффициенти,  $F$  – ҳавзанинг умумий майдони,  $\eta$  – оқим коэффициенти,  $a$  – эриш коэффициенти,  $f_i$  – қор эриши бошланган баландлик диапазони билан чегараланган майдон (умумий майдонга нисбатан улушда),  $t_0$  – ҳисоб метеостанциясидаги ҳарорат,  $H_0$  – ҳисоб метеостанцияси баландлиги,  $\bar{H}_i$  – қор эриши бошланган майдоннинг ўртача баландлиги,  $H_1$  – қор эришининг қуий чегараси, қор чизиги баландлиги,  $H_2$  – қор эришининг юкори чегараси, “0” изотерма баландлиги [39].

Графикни чизишда  $k$ ,  $\eta$ ,  $a$  ва  $\gamma_t$  лар ўзгармас деб қабул қилинади. Йирик дарёлар ҳавзалари учун, афсуски, бундай қилиб бўлмайди, чунки унинг турли қисмлари ландшафт-гидрологик хусусиятлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласи.

#### **Синов саволлари:**

1. Тоз дарёлари ҳавзаларига ёқкан ёғин миқдорини аниқлашнинг қандай усуларини биласиз?
2. “Ёғин индекси” ва “репрезентатив метеорологик станция” тушунчаларининг моҳиятини эсланг.
3. Қор қопламидаги сув захиралари қандай усуллар ёрдамида аниқланади?
4. Мавсумий қор чизиги баландлиги (МҚЧБ) нима ва уни аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?
5. МҚЧБ ни ҳавзадаги қор захиралари ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
6. МҚЧБ ни сезиларли қор эришига мос келадиган ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда аниқлаш ифодасини эсланг.
7. МҚЧБ ни дарё оқими ва ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлар асосида аниқлашга имкон берадиган ифода ва унинг ташкил этиувчиларини эсланг.

#### **15 – маъруза**

##### **Тоз дарёлари вегетация даври оқимини узок муддатли прогнозлаш**

Тоз дарёлари, жумлидан Ўзбекистон дарёларининг баҳорги-ёзги тўлинсув даври ҳамда вегетация даври оқимини прогнозлаш қишилоқ хўжислигидан, сув хужалиги тизимларининг барқарор ва самарали ишилшини

таъминлашда, гидроэнергетикада ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида катта амалий аҳамиятга эга. маърузада ана шундай муҳим масаланинг ечими устида фикр юритилади.

**Режса:**

1. Баҳорги-ёзги тўлинсув даври ва вегетация даври орасидаги фарқ;
2. Ўрта Осиё тоз дарёларида баҳорги-ёзги тўлинсув даври оқимига таъсир этувчи омиллар;
3. Вегетация даври оқимини прогнозлаши услугуни ишлаб чиқишида зарур маълумотлар;
4. Тоз дарёлари ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги графикни ва унинг прогнозлашидаги амалий аҳамияти;
5. Вегетация даври оқимини прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши тартиби;
6. Вегетация даври оқимини прогнозлаши график асосида амалга ошириши;
7. Прогнозлаши услугубининг аниқлигини ошириши масалалари.

Тоз дарёлари баҳорги-ёзги тўлинсув даври оқимини прогнозлаши услугуни ишлаб чиқиши тўлинсув даврининг кўйидаги сув баланси тенгламаси асосида амалга оширилади:

$$U = U_0 + X_c + X_m - Z - \Delta U_\Gamma,$$

бу ерда:  $U$  – баҳорги – ёзги тўлинсув давридан оқим миқдори;  $U_0$  – баҳор-ёз даврида ер ости сувлари хисобига ҳосил бўладиган оқим;  $X_c$  – қор эриши бошланишидан олдин қор қопламида мавжуд бўлган сув заҳиралари;  $X$  – баҳор-ёз давридан атмосфера ёғинлари;  $X_m$  – муз эриши хисобига ҳосил бўлган оқим;  $Z$  – баҳор-ёз давридан буғланиш,  $\Delta U_\Gamma$ -тупроқ-грунтда намлик заҳирасининг камайиши.

Юкорида келтирилган ифодадаги айрим ташкил этувчиларни бевосита ўлчаш йўли билан аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун прогноз услугуни ишлаб чиқиши кўйидаги бояганишга асосланади;

$$U - U_0 = f(X_c, X, U),$$

ифодадаги  $U$  – ҳавзадаги тупроқ – грунтда мавжуд бўлган кузги намлик кўрсаткичидир.

Охирги ифодадаги  $U$  нинг қийматини гидрографдан аниқлаш мумкин. Баҳор-ёз давридан оқим ( $U$ ) ни аниқлаш учун дастлаб бу даврининг бошланиши ва тугаш вақтларини билиш зарур. Баҳор-ёз давридан ёғин миқдори ( $X$ ) турли ўйллар билан ҳисобга олинади (ёғин миқдорининг таъминланиши, статистик таҳлил усули, об-ҳаво прогнозига боғлиқ). Тупроқ грунтнинг кузги намланиш кўрсаткичи ҳавзага бошланишидан (барқарор қор қоплами ҳосил бўлмасдан) олдин ёккан ёғин миқдори билан характерланади.

Киши давомида тўпланган қор қопламида сув заҳираларини ёки унинг индексини аниқлаш прогноз услубини яратишда муҳимдир. Аниқлаш усуллари юкорида баён этилган.

Тоз дарёларининг вегетация даври оқимини прогноз килиш усулини ишлаб чиқиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ ҳўжалиги сурʼома дехқончиликка асосланган ўлкамиз шароитида ушбу муаммонинг ижобий ҳал этилиши катта иқтисодий самара беради. Прогноз усулини тайёрлашда кўйидаги маълумотлар зарур бўлади:

- 1) ўрганилаётган дарёда мавжум вақт (камида 25-30 йил) давомида кузатилган ўртача ойлик сув сарфлари;
  - 2) ўрганилаётган дарё ҳавзасида шу йиллар давомида ҳисобга олинган намлик заҳираси (атмосфера ёғинлари, қор қоплами);
  - 3) ўрганилаётган дарё ҳавзаси майдонининг гипсографик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар.
- Қайд этилган маълумотлар тўпланганча, прогноз усулини ишлаб чиқиши кўйидаги тартибда амалга оширилади:
- 1) баландлик маълумотлари асосида ўрганилаётган дарё ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги графикни чизилади;
  - 2) гидрологик маълумотлар асосида дарёда вегетация даври (апрел-сентябрь)да оқиб ўтган ўртача сув сарфлари ( $\bar{Q}_e$ ) аниқланади;
  - 3) гидрологик йиллар учун дарёда кузатилган ўртача ойлик сув сарфларининг минимал қийматлари ( $Q_{min}$ ) аниқланади;
  - 4) дарёда вегетация даврида оқимнинг қор эриши ҳисобига ҳосил бўлган қисми ( $\Delta Q_b = \bar{Q}_e - Q_{min}$ ) аниқланади;
  - 5) ўрганилаётган дарё ҳавзасида йилнинг совук ярим йиллигида тўпланган намлик заҳираси индекси ( $I_x$ ) аниқланади;
  - 6) вегетация даврида оқимнинг қор эриши ҳисобига ҳосил бўлган қисми билан ҳавзадаги намлик заҳираси индекси орасидаги бояганиш [ $\Delta Q_b = f(I_x)$ ] графикни чизилади.

Охирги босқичда қайд этилган график ёрдамида вегетация давридан ўртача сув сарфи прогноз қилинади. Прогноз услубининг аниқлиги, самарадорлиги ва сифати олдинги маърузаларда қайд этилган усуллар ёрдамида баҳоланади.

Прогнозлаши услубини ишлаб чиқишида барча ҳисоблашларни махсус жадвалларда амалга ошириш ва шу билан бирга ёрдамчи чизмалар (бояганиш графиклари)дан оқилона фойдаланиш унинг аниқлигини оширишни таъминлайди.

**Синов саволлари:**

1. Баҳорги-ёзги тўлинсув даври билан вегетация даври орасидаги фарқни эсланг.
2. Ўрта Осиё тоз дарёларида баҳорги-ёзги тўлин сув даври оқимига таъсир этувчи омилларни ёдга олинг:

3. Вегетация даври оқимини прогнозлаши услубини ишлаб чиқишида қандай маълумотлар зарур бўлади?
4. Тоз дарёлари ҳавзасининг гипсографик эгри чизиги графиги қандай чизилишини эсланг.
5. Вегетация даври оқимини прогноз қилиши усулини ишлаб чиқиши кай тартибда амалга оширилади?
6. Вегетация даври оқимини прогноз қилиши қандай чизма (график) асосида амалга оширилади?
7. Прогноз услубининг аниқлигини ошириш учун нималар қилиши лозим?

**16 – маъруза**  
**Тоғ дарёлари вегетация давридаги ўртача ойлик**  
**сув сарфларини прогнозлаш**

Маълумки, тоғ дарёларининг вегетация давридаги оқими миқдори ойлар бўйича турлича тақсимланган бўлади. Шу туфайли тоғ дарёлари сувидан янада самарали фойдаланиши мақсадида уларнинг ойлик оқими миқдорини прогнозлаши муҳим амалий аҳамиятга эга. маърузада тоғ дарёларининг ойлик оқими миқдорини прогнозлаши учун зарур бўлган маълумотлар, уларни тўплаш, умумлаштириши масалалари ҳамда прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши ҳамда унинг аниқлигини баҳолаш тартиби баён этилади.

**Режса:**

1. Тоғ дарёлари ойлик оқими миқдорини прогнозлашининг амалий аҳамияти;
2. Тоғ дарёлари ойлик оқимини прогнозлаши усулини ишлаб чиқишида зарур бўлган маълумотлар;
3. Прогнозлаши услубини ишлаб чиқишида дарё ҳавзасига ёқкан атмосфера ёғинлари ва қор қоплами ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиши;
4. Ҳаво ҳарорати ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиши;
5. Тоғ дарёлари ойлик оқимини прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши босқичлари;
6. Ўзбекистонда дарёлар ойлик оқимини прогнозлаши тажрибаси.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон тоғ дарёларининг ойлик оқими миқдорини прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши учун қўйидаги маълумотлар талаб этилади:

- 1) ўрганилаётган дарёда маълум вақт (25-30 йил) давомида вегетация даврида кузатилган ўртача ойлик сув сарфлари;
  - 2) дарё ҳавзасида тўпланган қор қоплами ва унда мавжуд бўлган сув захиралари;
  - 3) йилнинг совуқ ярим йиллигидаги алоҳида ойлар (октябрь-март)да дарё ҳавзасига ёқкан атмосфера ёғинлари миқдори;
  - 4) ҳавзада вегетация даврининг алоҳида ойларида кузатилган ўртача ойлик ҳаво ҳарорати ва бошқалар.
- Прогнозлаши усулини ишлаб чиқиши қўйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:
- 1) прогноз килинаётган ойдаги ўртача сув сарфлари билан ҳавзада тўпланган қор қопламидаги сув захиралари, йилнинг совуқ ярим йиллигидаги алоҳида ойлар (октябрь-март)да дарё ҳавзасига ёқкан ёғин миқдори ва прогноз килинаётган ойдаги ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш графиги чизилади;
  - 2) график асосида ўртача ойлик сув сарфлари прогноз қилинади;
  - 3) сув сарфларининг дарёда бевосита кузатилган ва график асосида прогноз килинган қийматлари ўзаро солиштирилади;
  - 4) прогнозлаши усулининг абсолют ва нисбий хатоликлари аниқланади, аниқлиги ва сифати баҳоланади;
  - 5) ишлаб чиқилган прогнозлаши усулининг самарадорлиги қабул қилинган талаб мезонларига жавоб берса, у амалиётта тавсия этилади.

Дарёларнинг ойлик оқими прогнози Ўзбекистон Республикаси ВМ хузуридаги Ўзгидрометнинг маҳсус бўлими – Гидрометеорология марказида тайёрланади ва тегишли вазирликлар, корхоналар, муассасаларга қўйидаги шаклда етказиб берилади.

1-жадвал

Чирчик дарёсининг 2000 йил июль ойида Чорбог сув омборига  
куйиладиган ўртача ойлик сув сарфлари прогнози

т.р.	Дарё-кузатиш жойи	Прогноз қилинаётган оқим миқдори оралиғи, $m^3/c$	Олдинги йилдаги оқим ҳажми, $km^3$	Кўп сувли йилдаги маълумот, $m^3/c$	Кўп йиллик маълумот, $m^3/c$		
					Ўртача	Энг кичик	Энг кат-та
1	Чирчик-Чорбог сув омборига куйилиши	290-350	0,78-0,94	424	410	197	899

Жадвалдан кўриниб турибдики, олдинги, яъни 1999 йил июл ойида ўртача ойлик сув сарфи  $424 m^3/c$  га тенг бўлган, аниқроги 2000 йил июл ойида дарёда сув миқдори меъёрга ( $410 m^3/c$ ) нисбатан анча кам бўлиши кузатилмоқда. Демак, Чорбог сув омбори бошқармаси ҳамда унинг сувидан фойдаланувчи бошқа истеъмолчилар ўз фаолиятларида июль ойи оқими прогнозини назарда тутишлари лозим.

**Синов саволлари:**

1. Төг дарёларининг ойлик оқими миқдорини прогнозлаши қандай аҳамиятга эга?
2. Төг дарёлари ойлик оқимини прогнозлаши усулини шилаб чиқишида қандай маълумотлар зарур бўлади?
3. Прогнозлаши услубини шилаб чиқишида дарё ҳавзасига ёққан атмосфера ёғинлари ва қор қоплами ҳақидаги маълумотлардан қай тартибда фойдаланилади?
4. Ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланиши қандай натижалар беради?
5. Төг дарёлари ойлик оқимини прогнозлаши усулини шилаб чиқши қандай босқичларда амалга оширилади?
6. Ўзбекистонда дарёлар ойлик оқимини прогнозлаши тажрибасини эслане.

**17 – маъруза**

**Музлаш ҳодисаларини прогнозлашнинг халқ  
хўжалигидаги аҳамияти ва турлари**

Маълумки, сув ҳавзаларида музлаш ҳодисаларини прогнозлаши халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, жумладан, гидроэнергетика, ирригация, сув транспорти ва бошқа соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. Уибу бобда музлаш ҳодисаларини прогнозлашнинг турлари, дарёлар, кўллар ва сув омборларини муз Қ оплаши ва муз Қ оплами Қ алинлигини, уларнинг муз Қ опламидан холос бўлиши муддатларини Қ исқа ва узоқ муддатли прогнозлаши масалалари ёритилади.

**Режас:**

1. Музлаш ҳодисаларини прогнозлашнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти;
2. Ўзбекистон дарёларида музлаш ҳодисаларининг кузатилиши;
3. Музлаш ҳодисаларини прогнозлашнинг турлари;

Сув ҳавзаларида музлаш ҳодисаларини прогнозлаши халқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга. Бу масала айникса сув транспорти, гидроэнергетика, ирригация ва бошқа соҳалар учун муҳимdir.

Ўзбекистон шароитида Амударёнинг қўйи оқимида музлаш ҳодисалари тез-тез кузатилади. Баъзан муз парчалари оқимидан муз тикинлари ҳосил бўлиб, дарё ўзанида сув сатҳининг кескин кўтарилишига сабаб бўлади. Натижада, айрим ҳолларда дарё суви ўзанидан тошиб, атрофдаги ахоли пунктлари, халқ хўжалиги обьектларига катта зарар етказади. Дарёда музлаш ҳодисаларини прогнозлаши ана шундай салбий ҳодисаларни олдини олишга, шу мақсадда тегишли чора-тадбирлар белгилашга имкон беради.

Музлаш ҳодисаларини прогнозлашнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- 1) дарёлар, кўллар ва сув омборларини муз қоплаши ва муз қоплами қалинлигини қисқа муддатли прогнозлаш;
- 2) дарёлар, кўллар ва сув омборларининг муз қопламидан холос бўлишини қисқа муддатли прогнозлаш;
- 3) дарёлар, кўллар ва сув омборларининг музлаш ва муздан холос бўлиш муддатларини узоқ муддатли прогнозлаш.

Кўйида уларнинг ҳар бири устида қисқача тўхталиб ўтамиш

**18 – маъруза**

**Дарёлар. кўллар ва сув омборларини муз қоплаши ва  
муз қоплами қалинлигидан холос бўлиш муддатини прогнозлаш**

**Режас:**

1. Дарёлар, кўллар ва сув омборларини муз қоплаши ва муз қоплами қалинлигини прогнозлаши усуллари;
2. Дарёда муз парчалари оқимининг пайдо бўлишини прогнозлаши;
3. Дарёда дастлабки муз қоплами (ледостав)нинг шаклланишини прогнозлаши;
4. Сув омборлари ва кўлларда музлашнинг бошланиши ва муз қопламиning шаклланишини прогнозлаши;
5. Муз қопламиning қалинлигини прогнозлаши;
6. Дарёларнинг муз қопламидан холос бўлишини прогнозлаши;
7. Муз қоплами парчаларининг дастлабки кўчиши ва силжисини прогнозлаши;
8. Сув омбори ва кўлларда муз парчалари ҳаракати (дрейф)нинг бошланиши муддатини прогнозлаши;
9. Сув омбори ва кўлларнинг муздан тўла холос бўлишини прогнозлаши;
10. Муз тикинларини ва шу жараён давомидаги сув сатҳини прогнозлаши;
11. Дарёларда музлаш ҳодисаларини умумий прогнозлаши;
12. Дарёларнинг муздан холос бўлишини узоқ муддатли прогнозлаши;
13. Сув омборларининг музлаш ва муздан холос бўлишини узоқ муддатли прогнозлаши.

Дарёлар, кўллар ва сув омборларини муз қоплаши ва муз қоплами қалинлигини қисқа муддатли прогнозлашнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

- 1) дарёда муз парчалари оқимининг пайдо бўлишини прогнозлаш;
- 2) дарёда дастлабки муз қоплами (ледостав)нинг шаклланишини прогнозлаш;
- 3) сув омборлари ва кўлларда музлашнинг бошланиши ва муз қопламиning шаклланишини прогнозлаш;
- 4) муз қопламиning қалинлигини прогнозлаш.

Күйида хар бир усул устида қискача тұхталиб ўтамиз:

**1)** бу турдаги прогнозлар куйидаги боғланишларга аосланади:

$$\sum t_- = f(t_{\text{cub}}, h), \quad (\sum t_-)_{\min} = f(t_{\text{cub}}),$$

бу ерда:  $\sum t_-$  – сув юзасида муз парчаларини ҳосил бўлиши учун зарур бўлган манфий ҳаво ҳароратлари йигиндиши;  $t_{\text{cub}}$  – сувнинг бошлангич ҳарорати;  $(\sum t_-)_{\min}$  – сув юзасида муз парчаларининг ҳосил бўлиши учун зарур бўлган минимал манфий ҳароратлар йигиндиши;  $h$  – дарёнинг ўртача чуқурилиги.

**2)** мазкур ҳолатда прогнозлаш куйидаги тартибда тайёрланади:

– дастлабки муз қопламаларнинг шаклланиши кутилаётган сув сатҳи мальум усууллар ёрдамида аниқланади. Бу сув сатҳи муз қоплами шаклланиши бошланган муддатдаги сатҳи ( $H_{\text{bcc}}$ ) сифатида қабул қилинади.

–  $(\sum t_-)_{\min} = f(H_{\text{bcc}})$  боғланиш асосида  $(\sum t_-)_{\min}$  аниқланади. Сўнг сув юзасида муз парчаларининг ҳосил бўлишидан прогноз тайёрланадиган кунгача бўлган вақт оралиғидаги ҳаво ҳароратларининг кузатилган қийматлари ҳамда ҳаво ҳароратининг кейинги кунлардаги (5 кундан ортиқ бўлмаган) қийматлари асосида дастлабки муз қопламлари ҳосил бўлиши бошланадиган муддаттагча бўлган оралиқ учун манфий ҳароратлар йигиндиши ( $\sum t_-$ ) аниқланади.

Прогноз юқорида қайд этилган боғланишдан фойдаланиб,  $(\sum t_-)_{\min}$  нинг қийматлари асосида амалга оширилади.

**3)** ушбу турдаги прогнозлар ҳам қуйидаги физик-статистик боғланишлар асосида амалга оширилади:  $(\sum t_-)_{\min} = f(t_{\text{cub}}, h), \quad t_{kp} = f(v_w),$

бу ерда:  $t_{\text{cub}}$  – ҳаво ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  гача пасайиш вақтидаги сувнинг ҳарорати;  $v_w$  – муз қоплами шакллана бошлаган кундаги шамолнинг тезлиги, м/с.

**4)** мазкур прогнозлар куйидаги умумий ифода ёрдамида амалга оширилади:

$$h_M = a(\sum t_-)^n,$$

бу ерда:  $\sum t_-$  – муз қоплами шакллангандан прогноз берилаётган муддаттагча оралиқдаги ўртача суткали ҳаво ҳароратлари йигиндиши; а ва  $n$  – статистик ҳисоблашлар натижасида аниқланадиган параметрлар.

Булутли, кучиз шамолли об-ҳавода  $a = 1$ ,  $n = 0,65$ , очик, сезиларли шамолда  $a = 1$ ,  $n = 0,69$ , яъни 1-холатда  $h_M = (\sum t_-)^{0,65}$ ; 2-холатда  $h_M = (\sum t_-)^{0,69}$ .

Катта қалинликдаги муз қоплами кузатиладиган худудларда (масалан, Сибир)  $h_M = (\sum t_-)^{0,61}$  ифода ёрдамида прогноз қилинади.

*Дарёлар, кўллар ва сув омборларининг муз қопламидан холос бўлишини қисқа муддатли прогнозлашининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:*

1. Дарёларнинг муз қопламидан холос бўлишини прогнозлаш;
2. Муз қоплами парчаларининг дастлабки кўчиши ва силжишини прогнозлаш;
3. Сув омбори ва кўлларда муз парчалари ҳаракати (дрейф)нинг бошланиш муддатини прогнозлаш;
4. Сув омбори ва кўлларнинг муздан тўла холос бўлишини прогнозлаш;
5. Муз тикинларини ва шу жараён давомидаги сув сатҳини прогнозлаш.

Күйида хар бир кўриниш устида алоҳида тұхталиб ўтамиз.

